БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 237 (18.415). • Шанба, 16 октябрь 1982 йил • Баҳоси 3 тийин.

СССР 60

ҚУЁШЛИ КУНЛАРНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИ ҒАНИМАТ

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

15 октябргача республикамизда 4.104.780 тонна пахта, шу жумладан 299.528 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Машиналар билан 2.028.711 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Ҳавонинг очилиб кетиши кунлик терим суръатини бирмунча оширди. 14 октябрь куни республика бўйича тайёрлов пунктларига 70.852 тонна «оқ олтин» топширилди, шунинг 51,444 тоннаси бункерлардан бўшатилди.

Ҳосилни ҳар қандай шароитда ҳам йиғиштириб олайлик! Ҳар кун ва ҳар соатдан оқилона фойдаланайлик! Бутун чоралар билан терим суръатини оширайлик!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

15 октябрь куни Тошкент области хўжаликлари давлатга пахта топшириш йиллик планини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Тайёрлов пунктларига 432,7 минг тонна «оқ олтин» келтирилди, бу йиллик топшириқнинг 100,63 процентини ташкил этади. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 32 центнер бўлди.

Ялпи ҳосилнинг 96 процентидан энёди юқори сортларга қабул қилинди, биринчи ва иккинчи сортларнинг салмоғи 81 процентдан ошди. Бу ғалабада терим техникасидан самарали фойдаланиш ҳал қилувчи роль ўйнади, тайёрланган ҳосилнинг 82 процентидан ортиғи машиналарда теріб олинди. Область уруғлик пахта тайёрлаш бўйича йиллик планни ҳам адо этди.

Тошкентлик деҳқонлар терим суръатини бўшаштирмай яқин кунларда социалистик мажбуриятни бажариш, етиштирилган «оқ олтин»нинг ҳаммасини қисқа муддатларда, нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар.

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

НАВОИ. Область деҳқонлари ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Гектаридан 27,3 центнердан ипак пахта олиниб, тайёрлов пунктларига 15 минг тонна қимматбаҳо хом ашё топширилди. Унинг учдан бир қисми — 5.000 тоннаси машиналарда теріб олинди.

УЧ ХЎЖАЛИК РАПОРТИ

ХОРАЗМ. Областда яна уч хўжалик дастлабки довондан ошди. Хонқа районидаги «Хоразм» колхози гектаридан 39 центнердан ҳосил олиб, тайёрлов пунктига 5.720 тонна «оқ олтин» топширди. Азаматлар ҳосилдорлиқни 45 центнерга, ялпи хирмонни эса 6.500 тоннага етказишга сўз беришди.

Янгибозор районидаги «Ленинизм» колхозида гектаридан 38,7 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 4.145 тонна «оқ олтин» сотилди.

Хазорасп районидаги Жданов номли колхоз пахтакорлари 40 центнерлик маррани эгаллашди. Тайёрлов пунктларига 3.850 тонна пахта жўнатилди.

Область бўйича 14 та хўжалик ва 372 та бригада мажбурият ҳисобига пахта топширяпти.

ЮҚОРИ КУРСАТКИЧ ҚҚАССР. Элликқалъа районидаги қўриқ «Элликқалъа» совхози пахтакорлари бир кунда йиллик планнинг 2,3 процента миқдорида пахта топширдилар. Совхоз далаларида 15 та терим агрегати ишлатиляпти, уларнинг кунлик унуми 4,5 тоннани ташкил этмоқда.

ҚАҲРАМОННИНГ ЗАФАРИ

СИРДАРЁ. Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қозоқбой Ботиров бошлиқ бригада 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни уддалади. Ҳамма ҳосил биринчи сортларга қабул қилинди.

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

ФАРҒОНА. Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхоз далаларида Марғилон педагогика билим юрти талабалари зарбдорчасига меҳнат қилишяпти. Бўлғуси педагоглар мавсум бошидан буён 1.200 тонна пахта теріб беришди.

ПЕШҚАДАМЛАР

НАМАНГАН. 14 октябрь куни Учқўрғон райони далаларида 16 минг нафар теримчи зарбдорчасига меҳнат қилди. Уларнинг ҳар бири 41 килограммдан пахта терди.

ҲАММАСИ БИРИНЧИ СОРТГА ҚАШҚАДАРЁ. Яккабоғ районы пахтакорлари ўтган куни ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 1.035 тонна қимматбаҳо хом ашё топширилиб, унинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Яккабоғликлар бу йил 1.500 тоннали ипак пахта хирмони тиклаш мажбуриятини олишган.

Китоб районидаги «Партия XX съезди» совхозидан Неъмат Қаюмов бошқарувчилик қилаётган бўлим чўлқуварлари дастлабки довондан ошдилар.

ИЛҒОРЛАР КАТОРИДА

БУХОРО. Областда яна икки хўжалик планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Олот районидаги Файзулла Хўжаев номли совхоз 2.800 тонна ва «Оқолтин» колхози 2.250 тонна пахта топширдилар.

Область меҳнаткашлари узум тайёрлаш планини адо этишди. Давлатга 32 минг тонна узум топширилди.

МАРРА — 75 МИНГ ТОННА

СУРХОНДАРЁ. Ўтган куни Ленин йўли районида пахта топшириш бўйича қўшимча мажбурлят қабул қилишга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Район меҳнаткашлари СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирланиб, ҳар гектар майдон ҳосилдорлигини 46 центнерга, ялпи хирмони 75 минг тоннага етказишга сўз беришди.

ДЕПУТАТ ИБРАТИ

САМАРҚАНД. Пайариқ районидаги «Соҳибкор» совхози пахтакорлари 280 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни бажардилар.

Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоздан СССР Олий Совети депутати Усмон Мамадиёров механизаторлар мусобақасида пешқадамлик қиляпти. У мавсум бошидан буён 350 тонна пахта терди. Ғолиб дала гвардиячилари сафида Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозидан Баҳром Убайдуллаев, Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоздан Мусурмон Эргашевлар бор.

ЧЕВАРЛАР САРДОРИ

АНДИЖОН. Марҳамат районидаги Свердлов номли колхоздан Қумрихон Нуранова қўл теримида областда биринчи ўринда бораяпти. У мавсум бошидан буён 15 тонна пахта теріб, мажбуриятини бажарди.

Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозидан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Ленин ордени кавалери Ширмонхон Саломова бошлиқ бригада 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олиб, планни уддалади.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта: бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Тошкент	1,10	99,61	1,04	96,68
Хоразм	1,32	84,81	1,74	68,94
Бухоро	0,99	80,00	0,85	27,90
ҚҚАССР	1,50	79,70	1,92	63,48
Навоий	1,18	74,30	1,53	45,74
Сурхондарё	1,16	72,76	0,66	47,72
Сирдарё	1,05	69,21	0,84	72,96
Наманган	1,13	63,80	1,11	39,40
Жиззах	1,36	62,07	0,76	62,09
Андижон	1,28	61,16	1,88	35,65
Қашқадарё	1,31	59,41	1,51	39,61
Самарқанд	1,21	57,93	1,83	40,20
Фарғона	1,11	57,01	1,52	33,32
Республика бўйича:	1,20	69,69	1,31	51,75
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Навоий	2,65	99,77	4,34	57,64
Сурхондарё	1,68	85,49	1,20	67,16
Наманган	1,32	73,86	2,13	13,13
Бухоро	0,90	62,51	0,83	0,83
Қашқадарё	2,50	59,91	1,89	28,63
Республика бўйича:	1,92	76,80	1,51	50,53

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги область республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Тошкент области — область партия комитетининг секретари ўрток Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўрток Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи вазифасини ижро этувчи ўрток Бойназаров, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўрток Косимов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўрток Хегай, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўрток Турсунов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси ўрток Ражабов, область комсомол комитетининг секретари ўрток Маҳмудов.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ҲАММА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛСИН!

15 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекистон қурувчилари 1982 йилги план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитетининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи секретарлари ва бўлим мудирлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва областлар ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идоралларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, шунингдек СССР Госплани, Госснаби, Қурилиш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги ҳамда Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Ҳўжаев доклад қилди.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Қашқадарё область партия комитетининг секретари М. Гулмирзаев, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, Навоий область партия комитетининг секретари В. А. Коваленко, «Узколхозстрой» раиси И. Ашуров, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Х. А. Шоғазатов, республика бинокорлик материаллари саноати министри Г. Г. Исаев қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар партия XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси ўрток Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириш пайтида берган йўл-йўриқлари ва маслаҳатларини амалга ошираётган республика қурувчилари юбилейолди вахтасида муайян муваффақиятларга эришганликларини уқтириб ўтдилар. Йил бошидан бери 2,4 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 3,2 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди ва 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Икки миллион квадрат метр уй-жой, 92 минг ўринли мактаблар, 18 минг ўринли болалар муассасалари, 2370 ўринли касалхоналар ва 2750 беморни қабул қилувчи поликлиникалар қуриб битказилди. Химия саноатида, рангли металлургияда, «Б» группаси тармоқларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Янги суғорилаётган ерларни, мелиорацияланган яйловларни фойдаланиш учун топшириш, суғориш системаларини кайта қуриш планлари бажарилди.

Шу билан бирга кенгаш катнашчилари ҳал этилмаган масалаларга асосий эътибор бердилар. Ишга туширилаётган бир қанча объектларда, шу жумладан баъзи алоҳида муҳим объектларда тўққиз ойлик планлар бажарилмади. Минерал ўғит ишлаб чиқариш, қора ва рангли металлургия, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати, ҳамда бошқа баъзи тармоқлар объектларидаги қурилишда анчагина колоқлика йўл қўйилди. Ишга туширилаётган бир қанча объектлар шу пайтгача зарур моддий-техникавий ресурслар, асбоб-ускуналар билан тўла-тўкис таъминланмаган.

Қишлоқдаги қурилишда ҳам катта камчиликлар бор. Чунончи, пудратчи ташкилотлар ҳамон наслдор парранда репродукторлари, парранда чилик фабрикалари, чорвачилик комплексларини ва бошқа объектларни қуриш ишлари планини бажармаяптилар. Тайёрлаш министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги ва Савдо министрлигининг баъзи қурилишларида каттагина қолоқлик мавжуд.

Бир қанча область ва шаҳарларда уй-жой қурилиши ҳамон ғанг аҳволда турибди. Шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар баъзи жойларда тўла-тўкис ўзлаштирилмаяпти. Бунга тоқат қилиб бўлмайди, дейишди кенгаш қатнашчилари. Камчиликларни тугатиш учун ҳамма чораларни кўриш, уй-жойларни ишга туширишнинг йил охиригача ҳар ўн кунга мўлжалланган графикларини тузиб чиқиш ва уларнинг бажарилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш зарур. Уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа социал-маданий-маиший объектлар қурилиши материал ва конструкциялар билан биринчи навбатда таъминланиши лозим.

Юбилей йилининг тўртинчи кварталида республика қурувчилари олдида айниқса мураккаб вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун бутун кучни аввало ишга туширилаётган ва муҳим қурилишларга тўплаш, қурилишнинг ҳамма бўғинларидаги уюшқоқлик ва аниқликни ошириш зарур, — деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари. Жойларда қурувчи кадрлар тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш, оркада қолаётган қурилиш коллективларининг фаолиятини назорат остига олиш, уларга конкрет ёрдам бериш, улар уюшқоқлик билан аниқ ишлаши, давлат планини бажариши, объектларни ўз вақтида ишга тушириши учун ҳамма ишни қилиш лозим. Фан ва техника ютуқларини қурилишга тезроқ жорий қилиш, илғор тажрибани, биринчи галда бригада пудрати методини кенг оммалаштириш керак.

Капитал маблағни ўзлаштириш, асосий фондларни, ишлаб чиқариш қувватларини, социал ва маданий объектларни ишга туширишнинг юқасидан белгиланган 1982 йилги планни муваффақиятли бажариш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳамма резерврларни, барча имкониятларни ишга солиш энг муҳим вазифадир.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвачилик юзасидан социалистик мусобақанинг 1982 йил тўққиз ойи мобайнидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон касаба союзлари республика Совети ва Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроклари:

Қашқадарё, Хоразм, Андижон областларида, Беруний, Калинин, Ғиждувон районларида қолдирилди;

Қорақалпоғистон АССР, Арнасой, Пайариқ, Боғот районларига берилди. Байроклар Жиззах областидан, Навоий, Ургут, Бағдод районларидан олиб берилади.

Чорвачиликни ривожлантириш юзасидан 1982 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича қуйидаги колхоз, совхоз ва бошқа корхоналарнинг коллективлари республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топилди:

Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхози,

Задарё районидаги Навоий номли колхоз,

Қамаши районидаги «Партия XXII съезди» колхози;

Нурота районидаги «Қизилча» совхози,

Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз,

«Узглавзаготживпром» нинг Ўрта Чирчиқ бўрдоқичилик пункти,

Ульянов районидаги «Ғалаба» совхози,

Кўрғонтепа районидаги «Прогресс» совхози,

Калинин районидаги Қорасув давлат зотли паррандачилик заводи,

Узбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг Самарқанд балиқ комбинати,

Фарғона область, Киров район матлубот жамиятининг бўрдоқичилик хўжалиги.

* * *

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идоралари қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш юзасидан 1982 йилнинг тўққиз ойи мобайнидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга бердилар:

— Наманган умумий овқатланиш трести ёрдамчи хўжалиги коллективи (трест директори ўрток Обидов, партия ташкилотининг секретари ўрток Муҳиддинов, касаба союз комитетининг раиси ўрток Раҳимқулов). Бу коллектив йиллик топшириқ 40 тонна бўлгани ҳолда чўчқаларни 46 тонна семиртирган, ўзида урчитиш йўли билан чўчқаларни кўпайтириб, 1856 бошга етказган, 451 тонна ёки топшириқда белгиланганидан 1,8 баравар кўп озиқ-овқат чиқиндиларини тўплаган. Байроқ Тошкент область ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси чўчқаларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш саноат комплексидан олиб берилди;

— «Каршистрой» бошқармаси хузуридаги ёрдамчи хўжалик коллективи (директори ўрток Усмонов, партия ташкилотининг секретари ўрток Ҳазратқулов, касаба союз комитетининг раиси ўрток Рўзимуродов). Бу коллектив қорамолларни ўтган йилга нисбатан 3,8 баравар, сигирларни 1,5 баравар, қўйларни 25 процент кўпайтирган ва ҳар бир ишловчи ҳисобига ўрта ҳисобда 855 килограмм сабзавот, 594 килограмм полиз маҳсулотлари, 238 килограмм картошка, 15 килограмм гўшт ва 24 килограмм сут етиштиришни таъминлаган, дағал хашак тайёрлаш топширигини 240 процент бажарган. Байроқ «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Промстройматериали» трестининг Янгиер бинокорлик материаллари комбинати хузуридаги ёрдамчи хўжаликдан олиб берилди.

ЭКСКАВАТОРСОЗЛАР БАЙРАМИ

Тошкент экскаватор заводи ташкил этилганига 50 йил тўлди. Ўрта Осиё республикаларида ирригация ва пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги шонли саҳифа ана шу корхона тарихи билан боғланган.

Экскаваторсозлар коллективи КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларига амал қилиб, ер қазиш техникаси ишлаб чиқаришни кўлайтирмоқдалар.

15 октябрь куни корхонанинг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини ҳозир бўлганларнинг қарсаклари остида завод коллективига топширди. Завод коллективи меҳнатда эришган муваффақиятлари учун ва Ватан экскаваторсозлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда корхона ташкил этилган кунга 50 йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ РАПОРТИ

Наманган областининг деҳқонлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, давлатга дон сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган ошириллган социалистик мажбуриятни бажардилар. Ватан омборларига 47 минг тонна дон етказиб берилди, бу эса 1,6 йиллик планни ташкил этади.

Областдаги ҳамма районлар меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Икки ва бундан ҳам кўпроқ йиллик планни бажарган Учқўрғон, Наманган, Уйчи, Задарё, Поп районларининг хўжаликлари бу соҳада айниқса намуна бўлдилар.

Норин районидаги «Октябрь», Наманган районидаги Ленин номли, Поп районидаги «Правда», Задарё районидаги Навоий номли, «Правда», Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозлари ҳар гектар ердан 42—60 центнердан бошоқли экин дони йиғиштириб олиб, юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Учқўрғон районидаги Ленин номли, «Учқўрғон», Уйчи райониди ги «Қизил равот» совхозларининг, Наманган районидаги Оржоникидзе номли, Норин районидаги «Коммунизм», Поп районидаги «Партия XXII съезди». Чортоқ районидаги Навоий номли колхозларининг маккажўхорикорлари маккажўхори етиштириш юзасидан мажбуриятларини ошириб бажардилар ва ҳар гектар ердан 80—85 центнер «кахрабо дон» олдилар.

Задарё районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозидан М. Қаюмов, Учқўрғон районидаги «Ленинград» колхозидан С. Тўраев, Тўрақўрғон районидаги Димитров номли колхозидан Е. Қодиров, Наманган районидаги Охунбобоев номли колхозидан Е. Сиддиқов, Чортоқ районидаги Навоий номли колхозидан Е. Ҳаққоров сингари комбайнчилар 500—600 тоннадан маккажўхори дони янчиб, ҳосил ўрим-йиғимида фидокорона меҳнат қилдилар.

Бу муваффақиятга колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари собиқадамлик билан ишлаганликлари туфайли эришилди.

Ҳозирги вақтда область меҳнаткашлари бутун ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янгиданянги ютуқлар билан кутиб олиш учун пахта далаларида қизғин кураш олиб бормоқдалар.

БЕШ ТИЛДА

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми XI мажлисини очиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов сўзлаган нутқни Тошкентдаги нашриётлар брошюра қилиб чиқарди.

Брошюралар рус, ўзбек, араб, инглиз ва француз тилларида кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ОЗОДЛИК ВА АДОЛАТ КУРАШЧИЛАРИ, БИЗ СИЗЛАРГА ҲАМДАММИЗ!

ASPO PRESIDIUM TASHKENT - 1982 · XI

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг Тошкентда ўз ишини тамомлаган XI мажлиси қатнашчиларининг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан учрашувлари совет кишиларининг тинчликни мустаҳкамлаш учун, империализмга ва реакцияга қарши халқлар олиб бораётган кураш билан бирдамлиги ёрқин намойишига айланиб кетди.

Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси. Чет эллик меҳмонлар бу ерга келгач Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлган тракторсозлар монументи ёнидаги мангу олов ёнига гуллар қўйишди.

Механика-йиғув цехида, бош конвейер ёнида юзлаб тракторсозлар меҳмонларни қизғин қарсаклар билан табриклаб кутиб олдилар.

Бу ерда бўлиб ўтган митинг қатнашчилари озодлик ва мустақиллик учун курашда жон фидо қилган Фаластин ватанпарварлари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси бошқа халқлари намоялдалари порлоқ хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Токарь Л. Дубинина, парма ловчи-токарь Б. Ўразбоев, автомат цехининг бошлиғи А. Манков халқларнинг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши, халқаро кескинликни юмшатиш учун, қуролсизланиш ва тинчлик учун кураши билан астойдил бирдамлик изҳор этдилар.

Бангладеш Халқ Республикаси Африка — Осиё бирдамлиги миллий комитетининг бош секретари Сарвар Али, Ўрта денгиз социалистик тараққийпарвар кучлари ташкилоти раҳбарлик органининг аъзоси, Ливиялик жамоат арбоби Сидқи Хасан, Непал Африка — Осиё халқлари бирдамлиги комитети президиумининг аъзоси Дикшит Маданмани, АҚШ демократик жамоатчилигининг намояндаси Рональд Стивенсон империализм кирдикорларига қарши курашаётган барча эрксевар кучларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган Советлар мамлакати халқига миннатдорчилик изҳор этдилар, ўрток Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган совет тинчлик ташаббусларини қизғин маъқулладилар, реакцион ва иртқи режимларни қўллаб-қувватлаётган Вашингтоннинг сиёсатини ғазаб билан қораладилар.

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг меҳнатчилари Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми мажлисининг қатнашчиларини азиз меҳмонларга кутиб олдилар. Улар меҳмонларга ўз шинам посёлкасини кўрсатдилар, мўл «оқ олтин» ҳосили терими қандай бораётганлиги билан уларни таништирдилар.

Бу ерда бўлиб ўтган митингда Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Йўлдошева, «Ленинград» колхозининг бригадири А. Исаев, мактаб муаллимаси О. В. Маликова қишлоқ меҳнатчилари номидан гапириб, чет эл жамоат арбобларининг фидокорона кураши билан бирдамлик туйғуларини изҳор этдилар.

Ангола дўстлик ва бирдамлик уюшмасининг вице-президенти Висенти Гомеш, Фарабунда Марти номидаги миллий озодлик фронтининг вакили Эрнесто Флорес (Сальвадор), Лаос Африка — Осиё бирдамлиги комитетининг аъзоси Пхо Некео Кхамун, Ливан тараққийпарвар социалистик партияси бош секретарининг биринчи ўринбосари Тариқ Шаҳоб Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг озодлик ҳамда адолат йўлидаги қаҳрамонона кураши тўғрисида гапирдилар. Улар ўз нутқларида исроиллик босқинчиларнинг Ливан диёридаги жаб-зулмига қарши кескин норозилик билдирдилар.

Митингларнинг қатнашчилари Рейган маъмуриятининг ташқи сиёсатини лаънатладилар, империализмга, иркчиликка ва апартеидга қарши курашлари бирликни мустаҳкамлашга чақирдилар.

* * *

15 октябрь куни Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг XI мажлиси қатнашчилари шарафига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати зиёфат берди. Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

(ЎзТАГ).

ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Республикамизда цех партия ташкилотлари ва партия группаларида ҳисобот ва сайлов йиғилишлари якунланди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари бу масъулиятли кампаниянинг боришини доимо диққат марказида тутмоқдалар, йиғилишларга қандай ҳозирлик кўрилганги ва унинг қандай ўтганлиги таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этишга эътибор кучайтирилаётир. Коммунистлар томонидан билдирилган таклиф ва танқидий мулоҳазаларнинг бажарилиши юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмоқда, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда. Бу бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларнинг якунловчи босқичига пухта ҳозирлик билан келиш имконини берди. Фақат дастлабки ўн беш кун мобайнида 3 мингта партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ. Ҳисобот даврида Тошкент ГЭСи каскадидаги маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси ишчанлик кўрсатди. Комиссия аъзолари меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш масалалари билан яқиндан шуғулландилар. Йиғилишда комиссия раиси Р. Ҳайдаровнинг ахборот беришича, амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли шу йилнинг саккиз ойи мобайнида 80 минг сўмлик электр энергияси иқтисод қилиб қолинди.

Республикамиз пойтахти корхоналари ва ташкилотларида москваликларнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан бошлаган ташаббуси кенг қўллаб-қувватланмоқда. «Электробитприбор» заводи коммунистларининг йиғилишида ишчи А. Свиридова сўзга чиқиб, ҳамкасбларини социалистик мусобақани янада кенгроқ оммалаштириш, ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш ва йиллик программани мамлакатимиз юбилейи кунигача бажаришга даъват этди. 18 декабрда зарбдор меҳнатга якун ясалади. Партия йиғилиши бу мурожаатни қўллаб-қувватлади. Беш йиллик плани тўрт ярим йилда адо этишга қарор қилинди.

Бекободдаги 13-автокорхона ҳайдовчиси Х. Абдулжабборов қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этмоқда. У «Бир беш йиллик»да икки беш йиллик план» шиори билан меҳнат қилиб, ҳозир 1984 йилнинг август ойи ҳисобига юк ташиётир. Унинг касбдошлари — коммунистлардан А. Мирзаев ва Ф. Абдуқодировлар ҳам пахта ташишда автопоездлардан фойдаланиш туфайли яхши натижаларга эришмоқдалар. Барча экипажлар уларнинг иш тажрибаларидан ўрганиб ,ўз юк машиналарига прицеп ва ярим прицеплар уладилар. Бу техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни анча ошириш имкониятини бермоқда. Автотранспортдан фойдаланишни назорат этиш бўйича комиссия таклифи ана шундай амалга оширилмоқда. Коммунистлар йиғилишда янги пахта ҳосилини ташишни тезлаштириш йўлларини аниқлаб олдилар, ҳом ашёнинг исроф бўлишини камайтириш, унинг сақланиши ва ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлашга астойдил киришдилар.

НАМАНГАН. Область электр тармоқлари корхонасида бўлиб ўтган йиғилишда хизмат кўрсатиш ва партия бюроси раҳбарлари адресига анчагина танқидий мулоҳазалар билдирилди. «Центральная» подстанцияси бошлиғи Н. Чернов қуйи звеноларда турли масалалар бўйича коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиш практикаси қўлланаётгани ҳолда партбюро ундан фойдаланмаётганини кўрсатиб ўтди. Слесарь-ўровчи Ф. Дадамирзаев энергия таъминотини ишончли йўлга қўйиш борасида етарли даражада иш қилинмаётганлигига эътиборни қаратди. Партиявий таъсирни кучайтириш учун, деди у, ташкилот сафларини барча участкаларда меҳнат қилаётган илғор ишчилар ҳисобига тўлдириб бориш керак.

Тўрақўрғон трактор ремонти заводи партия ташкилотида маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича учта комиссия тузилган эди. Ҳисобот-сайлов йиғилишидан кейин эса илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш бўйича яна бир комиссия фаолият кўрсата бошлади. Бу оқилона иш бўлди. Корхонада қатор йиллардан буён кўп миқдордаги металл ва бошқа материаллар иккинчи даражали маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарф қилинар, ана шунинг эвазига корхона иши гўё яхши кетаётганга ўхшаб кўринарди. Директор ишдан олинди. Партбюро махсус комиссия тузиб, ҳом ашёдан фойдаланишни қаттиқ назорат остига олди. Комиссия аъзолари инженер М. Баҳриддинов, токарлар М. Чудин ва М. Ниёзов қора металлдан фойдаланишда иқтисод ва тежамкорликка қандай риоя қилинаётганлигини мунтазам текшириб бордилар. Текшириш натижалари партбюро мажлисларида оператив суратда кўриб чиқиладиган бўлиб қолди. Мажлисларда цех бошлиқларининг ҳисоботларини эшитиш қатъий йўлга қўйилди. Натижада ишда ижобий силжиш рўй берди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида материалларни тежаб-тергаб ишлатишда эришилаётган дастлабки натижалар қониқиш билан таъкидланди. Булар қаҳида корхона фрезерчиси К. Сайдуллаев фахр-ифтихор билан гапириб берди. «Янги комиссия, — деди у, — эски дастгоҳ ва ускуналарни замонавийлари билан алмаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари билан ҳам астойдил шуғулланиши лозим».

БУХОРО. Аксарият ҳисобот-сайлов йиғилишларида юбилей шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши қандай бораётганлиги ва партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий ишлари практикаси муфассал таҳлил қилинмоқда. «Бухароаблсельхозстрой»нинг 20-трестига қарашли 1-кўчма механизациялашган колонна комплекс бригадаси ғишт терувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Ҳабибов капитал қурилиш суръатини ошириш бўйича конкрет вазифаларни кўрсатиб ўтди. «Биз беш йилликда ўн йиллик нормасини бажаришга сўз бергамиз, — деди у. — Ваъдага вафо қилиш виждоний бурчимиздир. Бунинг учун ишни ташкил этишни кескин яхшилашимиз лозим». Материаллар ва конструкцияларнинг бир маромда етказиб берилмаётганлиги туфайли бригада аъзолари тез-тез у объектдан бу объектга ўтиб ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Оқибатда иш унумдорлиги пасайиб, сифатга халал етмоқда. Коммунистлар касбдош ўртоқларининг фикрини қўллаб-қувватлашди. Партия бюроси материал-техника таъминоти масалалари билан старли даражада шуғулланмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу масала йиғилишларда бир неча бор кўтариб чиқилган бўлса-да, кўрилаётган чора-тадбирлар, мавжуд камчиликлар ва унинг айбдорлари ҳақида ахборот бериб турилмайди. Партия бюроси коммунистлар, шу жумладан раҳбар ходимларнинг масъулиятини оширишнинг таъсирчан формаси — уларнинг ҳисоботларини эшитиб боришни йўлга қўймаётир.

Ҳисобот сайлов-йиғилишида Ғиждувон район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг илғор ишчиси М. Ҳамроева СССРнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган шахсий социалистик мажбуриятини муддатидан илгари ошириб бажарганлиги ҳақида гапириб берди.

ГУЛИСТОН. Сирдарё области бинокорларига бригада пудратининг афзалликлари яхши маълум. Коммунистлар уни кенг жорий этишда турли коллективларда орттирилган конкрет иш тажрибаларига таянмоқдалар. «Облколхозстрой» трестининг Ворошилов районидаги колхозларарО механизациялашган кўчма колоннаси бригада бошлиғи А. Мансуров. Гулистон шаҳридаги 3-йўл қурилиши ва ремонти бошқармаси бош инженери Р. Сафаровлар йиғилишларда ана шулар ҳақида гапиришдилар.

«Промстройматериал» трести 3-ишчилар таъминоти бўлими коллективининг ўзига хос меҳнат шароити партия ташкилотининг ҳисобот даврида амалга оширган ишларида ўз аксини топди. Ўтган йили ёрдамчи хўжаликда ҳар бир меҳнатчи ҳисобига 38 килограммдан ғўшт етиштирилди. 1985 йилга бориб, рақам янада ортади. Ёрдамчи хўжаликда 2 минг бошдан кўпроқ қора мол, қўй-эчки ҳамда чўчқаларни боқиш ҳисобига 105 тонна ғўшт ва 80 тонна сут етиштирилади. Ёрдамчи хўжалик коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида хўжаликни беш йиллик охиригача янада ривожлантириш планини тасдиқладилар.

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

(Н. ТЎРАҚУЛОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА)

Коммунистик партия ва совет халқи тарихига таниқли партия ва давлат арбоби сифатида кирган Назир Тўрақулов Ўрта Осиё халқларининг истеъдодли вакилидир. У Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда актив иштирок этди.

Назир Тўрақулов 1892 йилда Қўқонда туғилди. Унинг отаси ўз даврининг зиёли кишиларидан бўлиб, рус ва маҳаллий тилларда газета ҳамда китобларни эркин ўқий оларди. У Назирни ёшлик чоғлариданоқ ўқишга ўргатди ва унинг қалбида китобга меҳр уйғотди.

1905 йилда рус-тузем мактабини битирган Н. Тўрақулов Қўқон коммерция билим юртига ўқишга кирди. Билим юртидаги ўқиш йиллари 1905—1907 йилларнинг революцион воқеалари билан бир вақтга тўғри келди. Революция Россия меҳнаткашларининг ўз социал ва миллий озодлиги учун курашидаги муҳим босқич бўлди. Революция Туркистон ўлкаси меҳнаткашларини ҳам чоризмга қарши курашга отлантирди.

Н. Тўрақулов 1913 йилда Қўқон коммерция билим юртини тугатиб, Москва коммерция институтига ўқишга кирди. У Ғарбий Европа ва Шарқ халқлари тилларини ниҳоятда зўр иштиёқ билан ўргана борди. Институтда ўқиш чоғида Н. Тўрақулов бир қанча ҳорижий тилларни мукаммал эгаллаб олди.

Биринчи жаҳон уруши сабабли Н. Тўрақулов институтнинг тўла курсини тугата олмади. 1916 йилда институтнинг учинчи курсидан у Ғарбий фронтга жўнаб кетди.

1918 йилда демобилизация қилинганидан сўнг Н. Тўрақулов Қўқонга келади ва дастлабки кунларданоқ актив сиёсий фаолият юрита бошлади. У Қизил дружиначилар сафида контрреволюцион «Қўқон мухторияти»ни тор-мор этишда қатнашади, сўнгра Қўқон Советида ишлайди. Шу ерда у Туркистонга партия Марказий Комитети йўлланмаси билан келган большевик, уч революция иштирокчиси Ефим Андрианович Бабушкин билан танишади. Е. А. Бабушкининг ва Қўқон Советида ишлаётган бошқа большевикларнинг бевосита таъсири остида Н. Тўрақулов 1918 йил октябрида большевиклар партияси сафига киради.

1919 йилда Н. Тўрақуловни сергайрат, қобилиятли, Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти ишига содиқ ходим сифатида Фарғона область халқ маорифи бўлими мудири лавозимига таклиф этадилар. Бу масъулиятли лавозимда Н. Тўрақулов ўз фаолиятини область меҳнаткашлари маданияти ва маорифини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратди.

Н. Тўрақуловнинг бундан кейинги партиявий ва давлат фаолияти В. И. Ленин имзоси билан. 1919 йил 8 октябрида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети чиқарган қарорга биноан тузилган Турккомиссия билан узвий боғлиқ бўлди. Турккомиссия Туркистон АССРда халқ маорифи аҳволини ўрганиб чиқиб, Туркистон Марказий Ижроия Комитетига халқ маорифи комиссарлиги аппаратини тажрибали ходимлар билан мустаҳкамлашни таклиф этади. 1920 йил 19 апрелда Туркистон Марказий Ижроия Комитети Н. Тўрақуловни Маориф халқ комиссари этиб тасдиқлади.

Партия ва совет ишининг масъулиятли участкасидаги — Туркистон АССР Маориф комиссари лавозимида Н. Тўрақулов олиб борган фаолият республика коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. У ўзини истеъдодли давлат арбоби сифатидагина эмас, балки Коммунистик партия ишига содиқ коммунист сифатида ҳам намоён қилди. Партиявий принципиаллик Н. Тўрақуловга хос моҳир ташкилотчилик истеъдоди, айниқса, ички партиявий кураш шароитида аниқ кўзга ташланди. Туркистон Коммунистик партияси бирлигини мустаҳкамлаш учун кураш Турккомиссиянинг бош вазифаларидан бўлди. РКП(б) Марказий Комитети Туркистонда вужудга келган сиёсий вазиятни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб чиқиб, 1920 йил 29 июнида «РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор Туркистон олий партия органларини тубдан қайта ташкил этишга қаратилган. Унга мувофиқ Турккомиссия 1920 йил 19 июлида «Туркистон Коммунистик партияси Муваққат Марказий Комитетини ташкил этиш» ҳақида қарор қабул қилди. Муваққат Марказий Комитет составига Н. Тўрақулов, К. Отабоев, К. Ҳакимов, Д. Устабоев, В. П. Биллик, И. Габор, В. Ф. Плетнев, Ю. Ибрагимов ўртоқлар киритилди.

Турккомиссиянинг аъзоси В. В. Куйбишев Н. Тўрақуловнинг масъул секретарь лавозимига номзодини қизғин қўллаб-қувватлади. Туркистон Компартиясида вужудга келган оғир сиёсий вазиятда Н. Тўрақулов партия олдида турган революцион вазифаларни фақат партия сафларини ва бирлигини мустаҳкамлаган ҳолдагина ҳал этиш мумкинлигини чуқур тушунади.

Туркистон Компартиясини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишида РКП(б) Марказий Комитетининг Тўркистон бюроси муҳим роль ўйнади.

Н. Тўрақулов РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюросининг актив аъзоларидан бири эди. Ёш Туркистон республикасининг раҳбари сифатидаги Н. Тўрақуловнинг фаолияти кўпқиррали бўлди. 1920 йил 8 октябрида Туркистон Марказий Ижроия Комитети Н. Тўрақуловни Президиум Раиси қилиб сайлади.

Н. Тўрақулов Туркистон республикасида ер-сув ислоҳоти ўтказишга кўп куч сарфлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихида шонли воқеа бўлган РКП(б) X съезди ишида Н. Тўрақулов Туркистон Компартиясидан делегат сифатида қатнашди. РКП(б) X съезди қарорларига амал қилган ҳолда Туркистон Коммунистик партияси VI съезди республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш борасида амалий тадбирларни ишлаб чиқди. Туркистон Коммунистик партияси VI съезди Н. Тўрақулов, А. Раҳимбоев, А. С. Асфандиёров, Д. Устабоев, С. Қосимхўжаев, С. Хўжаев, А. Икромовлардан иборат Марказий Комитетни сайлади. Назир Тўрақулов Марказий Комитетнинг масъул секретари қилиб тайинланади. Н. Тўрақулов Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг масъул секретари сифатида партия қурилиши, экономика, маданият ва бошқа масалалар билан актив шуғулланди.

1922 йил 1 февралда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси қабул қилган қарорга мувофиқ РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюроси РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси функциясигача кенгайтирилди. Ўрта Осиё бюроси составига тўққиз киши киритилиб, шулар жумласидан уч киши Ижроия Комиссиясига сайландилар. Ўрта Осиё бюроси Ижроия Комиссияси Н. Тўрақулов, С. И. Гусев, Ф. Хўжаев ва бошқалардан иборат бўлди.

Н. Тўрақулов босмачи галаларига қарши кураш уюштиришда ҳам сезиларли роль ўйнади. У партия, совет органларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларда шунингдек, қарбий ташкилотларда, меҳнаткашларни босмачиларга қарши курашга сафарбар қилишда бевосита иштирок этди.

1922 йил 8 октябрда Н. Тўрақулов СССР халқлари Марказий нашриётининг раиси қилиб тайинланди. 1928 йилдан бошлаб у дипломатик хизматда бўлди, сўнгра педагогика соҳасида ишлади. 1939 йилда унинг юраги уришдан тўхтади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Назир Тўрақулов туғилган куннинг 90 йиллигини нишонлар эканлар, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиб, мустаҳкамлаш ва Совет Ўзбекистонининг гуллаб-яшнашида у қўйган ҳисса учун ўз ҳурмат-эҳтироми ва миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар.

П. КИМ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Партия тарихи институти катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика сув хўжалиги қурилиши ташкилотларида кўп йил самарали ишлаганлиги ва Сурхон-Шеробод даштини ўзлаштиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига қарашли «Сурхансовхозводстрой» ишлаб чиқариш қурилиш бирлашмасининг «Ер ишлари» 2-механизациялаштирилган кўчма колоннаси бошлиғи ўртоқ Евгений Николаевич **Анашкинга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада халқ соғлиғини сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун Самарқанд область қон қуйиш станциясининг бош врачи ўртоқ Баҳор Комиловна **Ражабовага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё область Ўзбек давлат музикали драма театрининг артисти ўртоқ Жамил **Ашуровга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тарихий-партиявий тадқиқотлар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими ўртоқ Аҳад Валиевич **Хусайновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ёзувчи ўртоқ Самар **Сирожиддиновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Давлат арбитражи органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Давлат арбитражи ходимларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.



Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Гулчеҳра Шокаримова СССР 60 йиллигини зарбдор меҳнати билан кутиб олишга ваъда қилган. Ёш коммунист айни кунларда кунлик иш топшириқларини мунтазам 140—150 процент адо этялти. Суратда: мусобақа ғолиби Г. Шокаримова.

М. Нуритдинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

„ОҚ ОЛТИН“НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистонга учинчи марта Ленин ордени топширилишига бағишлаб ўтказилган тантаналарда республикамиз меҳнаткашларининг партия белгилаб берган вазифаларни бажариши борасидаги бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди. Шу билан бир қаторда партия, совет, хўжалик ташкилотлари, барча меҳнаткашлар эътиборини мавжуд проблемаларни ҳал қилишга қаратди ҳамда бу соҳада конкрет тавсиялар берди. Ана шу тавсиялар қаторида пахта сортини яхшилаш, серҳосил, юқори сифатли тола берадиган ғўза навларини яратиш алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистоннинг селекциячи олимларининг янги истиқболли ғўза навларини яратиш соҳасидаги илмий изланишлари йил сайин яхши самаралар бераётир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Усимликлар экспериментал биологияси институти олимлари томонидан яратилган «Оқ олтин» нави ана шундай истиқболли навлардан бири ҳисобланади.

Мухбиримиз «Оқ олтин» навини экиб, ундан мўл ва сифатли ҳосил олишга эришаётган «Оқ олтин» аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Фарғона» совхозида бўлиб, янги нав яратувчилар ва пахтакорлар билан учрашди.

Остон ЖАЛИЛОВ,
«Оқ олтин» нави автори, биология фанлари кандидати.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон она Ватанга йилига 6 миллион тоннадан ошириб «оқ олтин» етказиб беряпти. Бундай улкан муваффақиятларни қўлга киритишда дала меҳнаткашлари билан бирга селекциячи олимларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми селекциячи олимларимиз олдига ғўза навлари ҳосилдорлигини ошириш ва пахта сифатини яхшилаш вазифасини қўйди. Бу борада Усимликлар экспериментал биологияси институтида олиб борилаётган тадқиқотлар диққатга сазовордир. Институтимизда кейинги икки беш йиллик мобайнида 30 дан зиёд ғўза навлари яратилди. Ана шулардан бири мен билан бирга Д. М. Бобоев, Ю. А. Сирянов, Ш. Ж. Тетуев, А. Я. Кузнецовлардан иборат коллектив яратган «Оқ олтин» навидир. Биз буни ғўзанинг радиомутанат «АН-Чимбойобод» ва «АН-401» навларини чатиштириш йўли билан яратдик.

«Оқ олтин» нави 1978 йилда давлат нав синаш комиссиялари томонидан қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон республикаларининг кўпчилик нав синаш участкаларида турли шароитларда ўстирилди. Кейинги тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, янги нав қўриқ ерларда ҳам яхши натижалар бера бошлади. 1978 йилда Сирдарё область, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозида 82 гектар майдондан чўл шароитида 31.2 центнердан ҳосил олинди. Кейинги йили бизнинг янги нав экилган майдонлар анча кенгайтирилиб, гектаридан 32.5 центнердан ҳосил олинди.

Комилжон УМАРОВ,
«Фарғона» совхози бош агрономи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

— Юқорида айтилганидек, селекционер олимларимиз самарали ишлар олиб боришяпти. Давр талабига жавоб берадиган кўплаб ғўза навлари яратилмоқда. Аммо кўпгина ҳолларда ана шундай истиқболли навлар ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этилмаётир. Натижада кўплаб маблағ ва машақатли меҳнат билан юзага келган янгиликлар кутилган самара бермаяпти. Баъзи хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари бирор янги навни кичик бир пайкалда синаб кўрадилар. Бу ғўзалар қўшни картаҳдардаги бошқа нав ғўзалар билан бир хил агротехника асосида парвариш қилинади. Ўз агротехникаси тадбирлари бажарилмай парвариш қилинган ғўзалар, албатта, кутилган натижани бермайди.

Биз ана шуларни назарда тутиб, биринчи йилиёқ янги «Оқ олтин» нави чигитини Толиб Камолов бошлиқ бригаданинг 120 гектар майдонига экдик. Чигит ерга экилганидан бошлаб то уни йиғиб-териб олгунгача бўлган комплекс парваришни ижодкор мутахассислар кузатиб боришди. Бу ишда янги нав авторларидан бири, район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамсидин Тетуев айниқса, актив фаолият кўрсатди. Натижада барча майдонларда кўзда тутилганидан ҳам зиёд ҳосил тўпланди. Шуниси диққатга сазоворки, кўсаклар бошқа бригада ва бўлимдагиларга нисбатан эрта ва тез очилди. Натижада 4—5 кун ичидаёқ биринчи терим тугалланди ва ҳар гектар ердан 28—30 центнердан хирмон кўтарилди. Бир оз фурсат ўтгач, бригада аъзолари иккинчи терими ўтказишдилар ва октябрь ойидаёқ даладаги барча ҳосилни йиғиб-териб олдилар. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра ҳар гектар ердан ўртача 42 центнердан «оқ олтин» йиғиштирилиб фақат юқори сортларга топширилди. Ҳосилнинг 100 процента агрегатлар бункеридан тўкилди.

1981 йилда «Оқ олтин» нави экилган майдонлар янада кўпайтирилди. Ғўза парваришини олимларнинг тавсияси асосида намунали ташкил этган Иброҳим Жўраев, Бахтиёр Собиров каби тажрибали пахтакорлар бошлиқ бригадалар янги навнинг истиқболи порлоқ эканлигини амалда исботлашди. Бу бригадаларнинг заршунослари ҳар гектар майдондан 50 центнердан дурдона териб олишга эришдилар.

Толиб КАМОЛОВ,
бригада бошлиғи.

— Табиат бизни ҳар йили ҳам ўз синовидан кўп маротаба ўтказади. Қийинчиликлари олдида ожизлик қилиб, ҳосилни бой бериб қўйган баъзи деҳқонлар кўпинча айбни об-ҳавога тўнкашади. Бу тўғри эмас. Об-ҳаво маълум миқдорда ҳосилга зарар етказиши мумкин. Лекин ана шундай шароитларда ҳам мўл ҳосил етиштираётган уста пахтакорлар озмунчами? Қилган меҳнатларимиз юзага чиқиб, юзимизнинг ёруғ бўлишида олимларимиз яратаётган янги навлар қўл келмоқда. Мен «Оқ олтин» навининг бир хусусияти ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, бу йил республикамизда сув танқислиги мўл ҳосилга жиддий хавф солди. Айрим жойларда август ойида намгарчиликнинг етишмаслиги, ҳароратнинг кескин кўтарилиши натижасида ҳосил нишоналарининг тўкилиш ҳоллари содир бўлди. Баъзи ерлардаги ғўзалар етарли миқдорда сув билан таъминланмаганлиги сабабли уларнинг бўйи нисбатан паст бўлиб ўсди.

«Оқ олтин» нави ўз хусусиятига кўра қурғоқчиликка чидамлилигини кўрсатди. Чигитни ерининг ўз намига бункеридан 230 тонна дурдона тўкдим. Мақсадим йиғим-терим охиригача бу кўрсатични 250 тоннадан оширишдан иборат.

Собиржон СИДДИҚОВ,
«Оқ олтин» аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— «Фарғона» совхози қўриқ бағрида 1965 йилда ташкил этилган эди. Ана шу даврмобайнида совхоз кўп тармоқли, юқори ҳосилли ва рентабелли хўжаликка айланди. Шу йил ўрталарида эса «Фарғона» совхоз-техникуми базасида аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси вужудга келди. Совхознинг ўзи фақат пахтачиликка ихтисослаштирилди.

Бирлашмамизни тажриба майдони деса ҳам бўлади. Бу ерда ипак пахтанинг «С-6037», ўрта толали пахтанинг «С-4523», «АН-Ўзбекистон-3», «АН-Боёвут-2», ва бошқа навлари дала шароитида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Бу навларнинг ичида «Оқ олтин» нави биз учун, айниқса, қўл келди. Бу йил катта майдонларга ана шу навдан экканмиз. Ғўзаларни йил бошидан бошлаб Тошкент технологияси асосида парваришладик. Натижа ёмон бўлмади. Далаларда кўзда тутилганидан ҳам зиёд ҳосил етиштирилди. Кўсаклар ёпасига очилганлиги туфайли теримни оммавий бошлаш имкони туғилди. 21 сентябрдан 30 сентябргача бўлган ўн кунликда совхоз йиллик планнинг 76,8 проценти миқдорида пахта топширишга эришди. Бу «Оқ олтин» навининг тезпишарлиги, машинабоп бўлиб ўсиши ва чаноқларидаги пахталарнинг тўкилиб кетмаслигининг шарофати бўлди.

Янги навнинг муҳим афзалликларидан бири толасининг юқори сифатлилигидир. «Оқ олтин»ниг толаси 4-5 тип оралиғида. Шу сабабли бу йилги ҳосилни янги харид нархлари бўйича топширяпмиз ва давлатдан бир тонна пахта учун 730 сўм оляпмиз.

Бирлашмамиз ҳозиргача қабул пунктига социалистик мажбуриятда белгиланган 18000 тонна ўрнига 19000 тонна юқори сифатли «оқ олтин» топширди. Далаларимизда иккинчи терим жадал давом эттириляпти. Об-ҳаво ноқулайликларига қарамай, кунига йиллик планнинг 3—3.5 проценти миқдорида пахта топширяпмиз. Мақсадимиз СССРнинг 60 йиллик юбилейи йилида ҳосилдорликни 42 центнерга, умумий хирмонни 23000 тоннага етказишдан иборат.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

НОМИНГИЗНИ ТИЛГА ОЛСАМ...

Олот райони Бухоро областининг чекка районларидан ҳисобланади. Аммо, бу ерда ишлаётганлар «марказ»да фаолият кўрсатаётганлар билан баҳслашиб, мусобақалашиб, уларнинг тажрибаларидан ўрганиб ишлаётган замондошларимиздир. Район беш йил муқаддам қолоқ районлар қаторидан саналиб келинарди. Энди аҳвол бошқача. Бу ерда кейинги икки-уч йил ичида кескин ўзгаришлар юз берди. Айниқса, «пахтачилик соҳасида жиддий ютуқлар қўлга киритилди. «Оқ олтин» ижодкорлари республикамизнинг машҳур деҳқонлари тажрибаларига таяниб, улар билан мусобақалашиб, қолаверса, кейинги йилларда пахтачилик соҳасида юз бераётган янгиликларни ўзлаштириб, деҳқончилик қилишга ўргандилар. Ҳозир Олотнинг машҳур «оқ олтин» ижодкорлари бор. Уларни областдагина эмас, балки, республикамизда ҳам яхши билишади.

Олотда ҳозирги кунда йигирма саккиз миллат вакили бир оила фарзандидек аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилмоқда. Район муваффақиятларининг сирларидан бири шундаки, бу ерда одамларнинг маиший турмушига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Замонавий турар жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш уйи, медицина муассасалари район чиройига чирой қўшиб турибди. Икки юз ўринли «Ирригатор» стадионини ёшлар севиб ардоқлашади. Қариялар учун қурилган «Амударё» чойхонаси эса пири бадавлатларимиз учун ҳамиша хизматда.

Хўш, олотликлар «оқ олтин» мавсумини қандай ўтказишмоқда? Биз районда бўлар эканмиз, ана шу саволлар хаёлимиздан бир дам кетмади. Масалан, районнинг машҳур пахтакори, Ленин ордени кавалери Муборак Рўзиева билан учрашганимизда у районда ялпи сафарбарлик эълон қилинганлигидан фахрланиб гапирди. Муборак опа раислик қилаётган Крупская номли колхоз пахта йиғим-теримида олдингилар сафида бормоқда. Хўжаликнинг 5-бригадаси 22 сентябрдаёқ давлатга пахта топшириш йиллик планини бажариб қўйган экан. Заршунослар 60 центнерлик марра учун курашмоқдалар.

Биз раисга баъзи саволлар билан мурожаат қилдик. У кишининг жавоблари дадил, ишонч билан йўғрилган ва алоҳида ўктамлик билан эшитиларди...

— Бу йил об-ҳаво ноқулай келяпти. Планни бажариш қандай бўлади?

— Об-ҳавонинг бундай инжиқлигини, «нози»ни биринчи марта кўраётганимиз йўқ. Шунинг учун ҳеч қандай иккиланишга, ваҳимага тушмаймиз. Кўнгилдагидек ҳосил етиштирганмиз. Унинг бир граммини ҳам қўймай териб олиб, давлатга топширамиз. Бугун ёмғир ёғса, эртага очилади. Бутун ой давомида ёки куз фаслида ёмғир ёғиб турмайди-ку?!

— Муборак опа, машҳур шоиримизнинг «Фурсат ганиматдир шох сатрларла безамоқ чоғидир умр дафтарин» деган мисраларини ўқигансиз, биласиз. Биз шу шеърни, шу сатрларни ўйлаб туриб, ҳозир пахтакор учун умр дафтарини айни безамоқ чоғидир дегимиз келади. Шундай эмасми?

— Шундай. Мен ҳам буюк шоиримизнинг шеърларидан илҳомланиб юраман ва ҳар мавсумда «Фурсат ганиматдир шонли меҳнатла тикламоқ чоғидир пахта ҳирмонин» деган даъватномани ўзим учун бош шиор деб биламан.

Бир қарашда раисанинг шоиртабиатлилиги қизиқ, албатта. Лекин, бу ерда битта ҳақиқат бор. У ҳам бўлса пахтага, «оқ олтин»га фидокорлик ҳақиқати. Шу ҳақиқат бор экан, ҳар қандай одам ҳам илҳомланаверади, фақат олга сари интилаверади. Муборак Рўзиеванинг изланишлари, интилишлари ҳамиша зафарга ёр бўлишини истаймиз.

Ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил учун курашаётган бригада бошлиғи Рўзигул Ҳазратова билан бўлган учрашувимиз ҳам эсдан чиқмайди. Унинг фикрихаёлида фақат ва фақат пахта, пахтакорлар, уларга яратилган ва яратилаётган шароит. Рўзигул ютуқлар сирини деҳқон кайфиятидан излаш ҳақида кўп гапиради. Бу жуда тўғри фикр. Қаердаки, дала меҳнатчиларининг кайфияти яхши бўлса, у ерда, албатта, галаба бор, албатта қувонч-шодлик бор, табрик ва эътироф бор.

— Рўзигул, — деймиз таниқли бригада бошлиғига, — 60 центнерлик марра жуда катта меҳнат демакдир. Ҳозир айни қизғин палла. Шу кунларда бу юксак мўлжалга эришишнинг омилларини нималарда кўриб ҳис қиляпсиз?

— Мақсадимиз ҳақиқатан ҳам катта. Аммо, унга, албатта, етамиз. Негаки, бригадамиз аъзоларининг шижоатида бу йил ўзгача бир активлик, жонкуярлик бор. Ҳар куни ким қанча пахта терганини коллектив ўртасида эълон қилиб турибмиз. Олдинги сафда бораётганлар шаънига байроқлар кўтариляпти. Ишлаётганлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни олдиндан ўйлаб, конкрет план асосида ишлаб чиқдик ва яратиб қўйганмиз. Пахтакорларимиз меҳнат ва она-Ватанни шарафловчи, шонли партиямизни улуғловчи, дўстлик, севги-муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқларни телевидение экранлари ва радио тўлқинлари орқали кўриб, тинглаб дам олаётганларида беихтиёр завқланиб кетаман. Ҳа, деҳқонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг эзгу тилаклари, мақсадлари битта. У ҳам бўлса республикамизнинг олти миллионлик улкан пахта хирмонига ўз ҳиссасини қўшиш. Сиз агар улар билан суҳбатлашиб қолсангиз, ҳеч қийналмасдан туриб, бултур йил давомида қанча «оқ олтин» териб давлатга топширганини, худди мана шу куннинг ўзида бултур қанча пахта терганини айтиб беради. Айниқса, уларнинг республикада пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар билан қизиқишлари завқли...

Областнинг Қоракўл райони пахтакорлари ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» олиш учун меҳнат қилишяпти. Бу ерда машҳур Тошкент технологиясига алоҳида эътибор бериляпти.

— СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 та бригада 60 центнердан пахта топшириш ташаббуси билан чиқди, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Д. Бобоқулов. — Бу ташаббус районимиздаги барча пахтакорларни илҳомлантириб юборган. Ана шу қутлуғ ниятга, албатта, эришамиз. 13 октябрда йиллик пахта тайёрлаш планини, 20 октябрда эса социалистик мажбуриятимизни бажаришни мўлжаллаганмиз. Шу зафарларга эришсак, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди тарихий қароларини бажаришда актив давом этаётганлигимизни кўрсатган бўламиз.

Биз Олот ва Қоракўл район пахтакорларининг ғалабасига ишонамиз. Чунки, бу икки районда йиғим-теримга ялпи сафарбарлик эълон қилинган. Далада меҳнат қилаётганлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар дала шийпонларида, бевосита дала бошида муҳайё. Район маданий-оқартув мумуассасалари, медицина ходимлари пахтакор дўстлари хизматида. Уларнинг ёрдамидан «оқ олтин» ижодкорлари ҳурсанд. Дала шийпонларидаги кўчма кутубхоналар, агитбригадалар ҳақида ҳам фахр билан гапирса арзийди. Пахтакорлар билан ёнма-ён дурдона тераётган ҳашарчилар ҳам бўш келишмаяпти. Улар хўжаликлар бунёд этаётган хирмонларнинг юксалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Икки районда кўрганимиз, гувоҳ бўлганимиз — ялпи сафарбарлик, яхши кайфият, муқаддас мақсадлар учун кураш районларнинг «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Бундай ҳаракат бор экан, пахтакорларга ғалаба ёр бўлаверади.

Н. ХОЛХЎЖАЕВА,
М. МУҲАМЕДОВА.
Бухоро области.

Чет эллларда

БАРЧА ХАЛҚЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Совет Иттифоқи халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқда, у ўзининг ривожланаётган мамлакат билан муносабатларини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат принциплари асосида қурмоқда. Москвада ўтказилган Совет-Эфиопия музокаралари тўғрисида халқаро жамоатчилик билдираётган фикр-мулоҳазаларнинг асосий мазмуни ана шулардан иборат.

Олий даражадаги Совет-Эфиопия учрашуви, — деди Эфиопия ташқи ишлар министри **Фелеке Гедле-Гиоргис** иккала мамлакатларимиз ўртасидаги, КПСС билан Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилганлигининг яққол далилидир. СССР билан Эфиопияни интернационал бирдамлик, тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш мустаҳкам ришталари бирлаштириб турибдики, булар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада ўз ифодасини топган. Бу йил ўзининг шонли 60 йиллигини нишонлайдиган Совет Иттифоқи чинакам тинчлик таянчи, планетадаги барча халқлар учун умид тимсоли, озодлик ва миллий мустақиллик учун адолатли кураш олиб бораётган халқларнинг энг содиқ иттифоқчисидир. НАТО ва Варшава Шартномаси мамлакатларининг раҳбар органлари ана шу иттифоқларнинг таъсир доирасини Осиё, Африка ва Лотин Америкасига ёймаслик тўғрисида баёнотлар берсинлар, деб Л. И. Брежневнинг нутқида таъкидланган таклифни астойдил табриклаймиз.

Совет раҳбари Қўшма Штатлар Африка мамлакатларининг ички ишларига аралашаётганлигини қаттиқ қоралади деб, уқтиради **«Мадагаскар Матэн»** газетаси. Вашингтон ЖАР иркчиларининг Ангола, Мозамбикка ва бошқа давлатларга қарши ҳарбий хуружларини рағбатлантирмоқда, Африкани ўзининг ҳарбий базалари билан қуршаб олишга уринмоқда.

Ливанда чиқадиган **«Ан Нидо»** газетаси Л. И. Брежневнинг нутқи баёнини «Вашингтоннинг сиёсати ялпи тинчликка хавф солмоқда» деган сарлавҳа остида эълон қилди. Американинг сиёсати Африка халқларининг туб манфаатларига қарши қаратилгандир, Ҳолбуки, Совет Иттифоқи Африка миллий мустақиллик, тинчлик ва яхши қўшничилик қитъаси бўлиб қолиши учун курашиб келмоқда. СССР Африканинг сиёсий кураш майдонига айлантирилишига қатъиян қарши бўлиб, Африка халқларининг қитъадаги барча чет эл базаларини тугатиш, Африка территориясини ядросиз зонага айлантириш йўлидаги интилишини қўллаб-қувватламоқда.

«СССР Социалистик Эфиопияни қўллаб-қувватлаётганлигини билдирмоқда» — Япониянинг **«Майнити»** газетаси. Л. И. Брежневнинг нутқи баенини шундай сарлавҳа остида эълон қилди. Совет раҳбари иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб чуқурлашиб бораётганлигини таъкидлади. Менгисту Хайле Мариамнинг Москвага қилган визити натижасида СССР билан Эфиопия ўртасидаги ҳамкорлик яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланди.

Американинг **Ассошиэйтед Пресс** агентлиги қуйидагиларни қайд этади: «Совет раҳбари Рейган маъмуриятини кескин танқид қилиб Вашингтонни Совет Иттифоқига, социалистик ҳамдўстликка қарши янги «салб юриши»ни ўтказишда айблади. Л. И. Брежнев дунёда вужудга келган ҳозирги вазиятни мураккаб ва хатарли вазият деб таърифлаш мумкин холос, деди».

Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги муносабатлар буюк давлат билан ривожланаётган ёш давлат ўртасидаги муносабатларнинг намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин деб уқтиради **«Нойес Дойчланд»** (ГДР) газетаси. Л. И. Брежнев уқтириб ўтганидек Совет Иттифоқи билан Эфиопия ўз сиёсатида муштарак тинчлик, социализм, интернационал бирдамлик идеалларига амал қилмоқда.

(ТАСС).

ИПАК ПАХТА БОЙЛИГИМИЗ

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

А. ҲАМРОЕВ,
Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхозининг директори

Совхозимиз давлат тайёрлов ташкилотларига 3000 тоннадан зиёд ингичка толали пахта топшириб, йиллик халқ хўжалик планини шараф билан бажарди. Ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил териб олинди. 2727 тонна ипак пахта эса машиналарда терилди. Шундай қилиб, биринчи довондан ошдик. Лекин олдимизда янада улкан вазифалар турибди. Бор ҳосилни сўнгги граммларигача сира нобуд қилмасдан тезкорлик билан йиғиб-териб олишимиз, эл хирмонига яна 1500 тонна ипак пахта етказиб бермоғимиз, агротехниканинг кузги-қишки тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, келаси йил мўл ҳосилга пухта замин яратмоғимиз керак.

Бу йилги йиғим-терим гоятда мураккаб шароитда ўтяпти. Устма-уст ёғингарчиликлар бўлди. Терим агрегатларидан фойдаланиш айниқса қийинлашди. Тайёрланган пахтани пунктларга топширишда ҳам тўсиқларга дуч келинди. Лекин ингичка толали пахта бунёдкорлари табиат ўжарликлари олдида саросимага тушмадилар. Кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, қийинчиликларни бартараф этдик. Давлатга пахта топширишда узилишга йўл қўйилмади. Бунда механик-ҳайдовчиларимиз, теримчиларимизнинг фидокорона меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Куз ҳавоси тез ўзгариб туришини яхши биламиз. Ҳаво бундан кейин ҳам чарақлаб кетиши қийин. Шундай экан, юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларни мардлик билан енгишга шай турмоғимиз, ҳар қандай вазиятда ҳам графикда белгиланган пахтани тайёрлов ташкилотларига етказиб бермоғимиз керак.

Совхозимиз, юқорида айтиб ўтилганидек, халқ хўжалик планини бажарди. Лекин далаларимизда ҳали ҳосил кўп. Мамлакатимиз енгил саноатининг ингичка толали пахтага бўлган эҳтиёжи тобора ошяпти. Шундай бўлгач, сўнгги чаноқларнинг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаслигимиз, навнинг юқори бўлишига алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Биз ҳамон йиллик планнинг 2,5—3 проценти миқдорида ипак пахта тайёрлаяпмиз. Мавсум охиригача ҳам суръатни сусайтирмаймиз.

Ингичка толали пахтани машиналарда териш ҳусусида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Абдумўмин, Абдумурод, Абдурайим ва Саодат Сафаровларнинг оилавий экипажи мавсумда 1200 тонна ипак пахта териш мажбуриятини олди. Улар шу кунга қадар 850 тоннадан зиёд пахта тердилар. Бундан кўриниб турибдики, ингичка толали пахта йиғим-теримида бундан кейин ҳам машиналарга кенг йўл очмоғимиз керак. Бой тажриба, мустаҳкам иродага эга бўлган механик-ҳайдовчилар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам юксак кўрсаткичларга эришаверадилар. Ч. Нормўминов, Э. Шониёзов, Б. Жўраев, В. Тошниёзов ва бошқа механизаторларимиз ҳам кўп ва тоза пахта териб, ўз касбларини янги меҳнат ғалабалари билан шарафламоқдалар.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ҚЎЛИМИЗДА

А. САФАРОВ,
экипаж бошлиғи

Айрим механик-ҳайдовчилардан бу йилги мавсум машина терими учун ноқулай келди, деган гапларни эшитяпмиз. Ўтган йилларда қулай келганми? Авжи терим пайтида ёғингарчиликлар бўлмаганми? Ҳафталаб «зангори кема»ларни пайкалларга кирита олмай хуноб бўлган кунларни эслаб кўрингилар! Биз, механизаторлар табиатдан ҳайри-эҳсон кутмаслигимиз керак. Ҳар фаслнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Уни меҳнат, матонат билан енгишимиз керак.

Бу йил ёғингарчиликлар ҳар йилгидан эртароқ бошланди. Лекин хўжалик йили якунланганда биздан ёғингарчиликларни эмас, пахтани, планлар ва мажбуриятларнинг бажарилишини сўрайдилар. Ишимизга шунга қараб баҳо берадилар. Шундай экан, об-ҳаво ўжарликларини рўкач қилмасдан теримда суръатни кўтариш чораларини кўришимиз керак. Ҳаво юришиб кетиши билан ҳамма машиналарни пайкалларга киритмоғимиз, ёруғ кунлар қисқалик қилса, кечалари машъалалар ёқиб пахта теришимиз керак. Чунки, бугунги кичкина ташвиш эртага янада каттароқ бўлиши мумкин. Ташвишдан чўчимаган механик-ҳайдовчилар муваффақиятга эришаверадилар.

Биз мавсумда машиналарда 1200 тонна ипак пахта териш ҳақидаги мажбуриятимизни сўзсиз бажариб, экипажимиз шуҳратини оширамиз. Ҳозир кунига бункерлардан 20—22 тоннадан ипак пахта тўкяпмиз. Сортнинг юқори бўлишига алоҳида эътибор беряпмиз.

Мени ҳамкасабаларимга айтадиган гапим шуки, мавсум охиригача бирорта машинанинг пайкаллардан чиқариб юборилишига йўл қўймайлик! Иложи борича икки сменада тўла қувват билан ишлатиб, меҳнат унумдорлигини оширайлик! Ҳосил тақдири биз, механизаторлар қўлида эканини ҳамиша эсда тутайлик!

ҲАР ЧАНОҚ ПАХТА ҲИСОБДА

И. САИДУЛОВ,
бригада бошлиғи

Бригадамиз бўйича гектаридан салкам 40 центнердан ипак пахта хирмони кутардик. Планни бажардик. Қолган ҳосилни ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Гектар ҳисобига яна 15 центнердан ипак пахта териб олишимиз мумкин ва лозим. Кунлик ишимизни шунга қараб аниқ режалардик. Ю. Ҳимматов, В. Ҳуррамов, П. Холматовлар бошлиқ ипак пахта етиштиришга ихтисослаштирилган бригадаларда ҳам айнан шундай қилинди. Мақсадимиз барча бригадаларда ипак пахта ҳосилдорлигини 50—55 центнерга етказиш ва ундан ҳам оширишдир.

Баъзан планлар бажарилгандан кейин суръат сусайтириб юборилади. Бу йил ана шундай кўринишга мутлақо йўл қўймаймиз. Ишчи кучлари, техника воситалари, ёрдамчиларни шу мақсад йўлига сафарбар этяпмиз. Бригадамиз бўйича кунига йиллик планнинг уч процентига етказиб ипак пахта тайёрлаяпмиз. Мавсум охиригача ҳам суръатни сира сусайтирмаймиз.

Айни шу кезларда бригада бошлиқлари дала бошида, теримчилар, механик-ҳайдовчилар, ёрдамчилар ёнида бўлишлари, уларнинг ишларини мунтазам кузатиб боришлари, чин кўнгилдан ёрдам беришлари лозим. Токи, эгатларга тўкилган пахта пайҳон бўлмасин, бир чигити ҳам чаноқларда қолиб кетмасин! Айниқса, теримда орқада қолаётган кишиларнинг илғорларга етиб олишларига кўмаклашиш керак.

«Навбаҳор» совхози ингичка толали пахта ижодкорлари юбилей йилида ҳосилдорликни гектар ҳисобига 45 центнерга кўтариш, давлатга қўшимча 1500 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, ялпи миқдорни 4500 тоннага етказиш учун суръатга қанот бахш этмоқдалар.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Шаҳрисабз районидаги «Шаҳрисабз» колхози пахтакорлари 10 минг тонналик «оқ олтин» хирмони тиклаш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Пахта теримида ёшу қари қиммат кўрсатмоқда. Чевар теримчилар ганимат дақиқалардан унумли фойдаланиб, хирмонга кунига 180—200 килограммдан «оқ олтин» тўкишяпти. Суратда: мавсумда 10—12 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган Насиба Ёриева ва Марҳамат Алимардонова.

Ж. Тўраев фотоси.



СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Меҳнатобод районидаги «Страна Советов» совхози чўлқуварлари қўриқ ерларда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда пахта теримн уюшқоқлик билан давом этмоқда. Пахтазорларда 44 та терим агрегати юксак унумларда ишлатиляпти. Илғор механизаторлардан Мелибой Умиров ва Бобомурод Ҳикматовлар кунлик нормаларини ошириб бажариб, ҳамкасбларига ибрат бўлишяпти. Суратларда: [юқорида] М. Умиров, Б. Ҳикматов ўртоқлар ҳамда йиғим-терим жараёни.

А. Тўраев фотолари.

«ПАХТА ШТАБИ»ГА ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механизатори **Холмўмин САФАРОВ** 600 тоннадан зиёд пахта терди. Шу совхознинг механик-ҳайдовчиси **Хўжамқул РУСТАМОВ** ҳамкасбидан ўзиб кетди. Унинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 700 тоннадан ошди. Шу совхознинг механик-ҳайдовчиси **Карим ХЎЖАМҚУЛОВ** хирмонга 450 тоннадан зиёд пахта тўкди.

Шу райондаги Ленин номли совхозининг механик-ҳайдовчиси **Арабали ДУСТМУРОДОВ** 630 тоннадан зиёд пахта терди.

Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг механик ҳайдовчиси **Панжи ШУКУРОВ** 700 тоннадан зиёд пахта терди.

Ульянов районидаги «III Интернационал» совхози механизатори **Тамара ТУРСУНОВА** турмуш ўртоғи **Жамбул САНАЕВ** билан оилавий экипаж бўлиб 550 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Шу кунгача бу ватанпарварлар 400 тоннадан зиёд «оқ олтин» теришди.

Усмон Юсупов районидаги «Тошкент» совхози механизатори **Ҳ. МУҲАММАДИЕВ** бир кунда 6—7 тонна, мавсум бошидан буён 187 тонна;

Косон районидаги Ленин номли совхоз механизатори **Неъмат ТУРСУНОВ** бир кунда 6—7, мавсум бошидан буён 157 тонна;

Задарё районидаги «Украина» совхозининг механизатори **Сирожиддин КИРОМИДДИНОВ** бир кунда 12 тонна, мавсум бошидан буён 200 тонна;

Тўрақўрғон районидаги «Узбекистон» колхозининг механизатори **Қамариддин АБДУЛЛАЕВ** бир кунда 11,5 тонна, мавсум бошидан буён 230 тонна;

Косон районидаги «Қўқимбой» совхозининг механизатори **Ҳусанбой РАШИДОВ** бир кунда 10 тонна, мавсум бошидан буён 195 тонна пахта терди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

● БЕРЛИН. Хеннингсдорф шаҳридаги Г. Баймлер номли завод коллективи беш йиллик топшириғига белгиланганга қараганда 40 та кўп электровоз ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Республикада темир йўлларнинг жадал электрлаштирилаётганлиги электровозлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни тақозо қилди. Шу беш йиллик мобайнидаги истеъ кучи билан ҳаракат қиладиган магистраллар тармоғи қариб бир ярим баравар кўпаяди.

Хеннингсдорф машинасозлари электровозлар тайёрлашда катта тажриба тўпладилар. Улар 1949 йилдан бошлаб мамлакатда ва чет элда шуҳрат қозонган ўн мингдан кўпроқ локомотивларни қуриб бердилар. Корхона маҳсулотининг ярмидан ортиғи давлат Сифат белгисига эга бўлганлиги диққатга сазовордир.

Корхона ўз маҳсулоти турини тинмай янгиламоқда. Ҳар йили ишлаб чиқараётган барча электровозларнинг ўрта ҳисобда 25 проценти янги ёки такомиллаштирилган локомотивлардан иборат.

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАШ КУНИ

● ЖЕНЕВА. Жаҳон стандартлаш ташкилоти (ЖСТ) бу ерда ҳар йилги анъанавий «Жаҳон стандартлаш куни»ни ўтказди. Шу воқеага бағишланиб Женеванинг миллатлар саройида уюштирилган экспозиция стендларида ЖСТнинг актив иштирокида ишлаб чиқилган ҳар хил ҳужжатлар, диаграммалар, статистик таблицалар, шартномалар, луғатлар қўйилди.

Бу йил ўзининг 35 йиллигини нишонлаётган ташкилотда 90 мамлакат, шу жумладан СССР ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли 5 мингга яқин уникация қилинган нормалар ва стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. ЖСТнинг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаларидан бири ривожланаётган мамлакатларни халқаро стандартлаш жараёнига актив жалб этишдан иборат.

СУРИЯ ГАЗЕТАСИ ФОШ ЭТДИ

● ДАМАШҚ. Сурияда чиқадиган «Нидал аш-Шааб» газетаси бундай деб ёзади: Америка билан Исроил ўртасида тузилган стратегик битимга мувофиқ Вашингтон Ливанда қароқчиларча агрессия бошлаш тўғрисида Тель-Авивга буйруқ берди. Шунинг учун ҳам босқинчиларнинг Ливан диёрида қилган жиноятлари учун уларнинг америкалик хомийлари ва иттифоқчилари баб-баравар жавобгардир.

Вашингтон Ливанда тамомила муайян мақсадларни кўзламоқда, деб уқтириб ўтади «Нидал аш-Шааб» газетаси. Америка стратеглари Исроил ҳарбийларидан фойдаланиб, регионда ўз базаларини кўпайтиришни, жумладан, «тез ҳаракат қилувчи» интервенциячи кучларга ҳарбий объектлар қуришни истаётир.

Қўшма Штатлар Ливаннинг ички ишларига актив аралашмоқдалар, бу ерда Исроил агрессорлари билан тил бириктириб, «сулҳ шартномаси» тузадиган америкапараст ҳукуматни ҳокимият тепасига қўйишга интилмоқдалар.

НИКАРАГУАГА ҚАРШИ ХУРУЖ

● НЬЮ-ЙОРК. Гондурасда Никарагуа аксилинқилобчилари мустақил Никарагуага қарши қароқчиларча хуружларни давом эттирмоқдалар. Улар Гондурас маъмурларини маъқуллаши ва Қўшма Штатларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши туфайли ҳаракат қилмоқдалар. Никарагуа чегарасидаги Консепсьон — де-Мариа шаҳридагина янчиб ташланмаган сомосачиларнинг иккита лагери жойлаштирилган. Гувоҳ кишиларнинг айтишича, бандитлар Гондурас офицерлари ва Америка «маслаҳатчилари» раҳбарлиги остида бу ерда икки йилдан бери ҳарбий таълим олмоқдалар. Улар Никарагуа территориясига тез-тез ҳужум қилиб, аҳолини ўлдирмоқдалар ва зулм ўтказмоқдалар, молларини ҳайдаб кетиб, уйжойларини таламоқдалар.

Гондурас ҳарбийлари ва полициячи маъмурлари маҳаллий аҳолига шу лагерлар тўғрисида қандай бўлмасин гапиришни ва айниқса журналистларга бу тўғрида бирон-бир маълумот беришни ман қилдилар.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚАТЪИЙ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

● ТОКИО. Япония иқтисодий ташкилотлар федерациясининг президенти Иосихиро Инаяма давлат хизматчиларига иш ташлаш ҳуқуқи берилишига қарши чиқди. Мамлакат монополиячилар штабининг бошлиғи бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, бундай забастовка «Японияда социал кескинликни кучайтириши мумкин», деб даъво қилди.

Америка оккупацияси йилларидаёқ қабул қилинган қондага кўра, Япония меҳнаткашларининг энг жангговар ва уюшган отрядларидан бири бўлган давлат хизматчилари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ҳар қандай коллектив ҳаракат учун қамоққа олишга қадар қаттиқ жазоланишлари мумкин. Сўл партиялар, касаба союзлари ва оммавий демократик ташкилотлар шу камситувчи тадбир бекор қилиниши учун қатъий курашмоқдалар.

ЧИЛИ БИЛАН ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗАРО ЯҚИНЛАШМОҚДА

● МАПУТУ. Жанубий Африкадаги «Саут-Африкэн эйру эйз» авиакомпанияси Чили билан бевосита ҳаво қатнови бошлади. Жанубий Африка Республикасидан олинган маълумотларга қараганда апартеид давлатининг расмий матбуоти иккала диктаторлик режимининг бир-бири билан яқинлашуви йўлидаги янги қадамни «иккала мамлакат ўртасидаги дўстона йўлга мос бўлиб тушади», деб мақташдан ҳам тортинмади.

Маълумки, Пиночет тўдаси билан Преториянинг иркчи маъмурлари ўртасида дастлабки ҳарбий соҳада мустаҳкам алоқа ўрнатилган. ЖАР Чили ҳарбийларини замонавий қурол-яроғлар, шу жумладан бошқариладиган ракеталар ва отиш қуроллари билан актив таъминлаб турибди. Ўз навбатида Пиночет режими ҳам иркчиларни халқаро майдонда «сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда» чилилик ёлланган шахслар Жанубий Африка оккупациячи армиясининг Намибия ватанпарварларига қарши жазо операцияларига жалб этилмоқда. (ТАСС, 15 октябрь).

РЕЙГАН МАЪМУРИЯТИНИНГ ОШКОРА ДЎҚ-ПЎПИСАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 14 октябрь. (ТАСС). Рейган маъмурияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан яна ошкора дўқ-пўписа ва қўпол тазйиқ қилди. Бу гал араб мамлакатлари Исроилнинг Ливанга ва Фаластин халқига қарши жиноий агрессияси муносабати билан унинг халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлиб қолиш ҳуқуқи масаласини кўйганлиги Вашингтонни ғижиндирди. АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Ж. Киркпатрик хоним матбуот конференциясида Оқ уйга хос ғоят такаббурлик ва ана шу халқаро анжуманни менсимаслик руҳида гапириб, Исроил БМТ дан ҳайдаб чиқарилган тақдирда Америка делегацияси Бош Ассамблеянинг ҳозирги XXXVII сессиясидан кетиб қолажагини айтди. Шу билан бирга у соғлом фикрга хилоф равишда даъво қилиб айтдики, халқаро ҳуқуқни ва халқаро ҳамжамиятнинг хоҳиш-иродасини мунтазам суратда ва қўпол равишда поймол этаётган Исроилни ҳайдаш тўғрисидаги масала қўйилишининг ўзи гўё оз бўлмаса БМТ яшаш қобилиятининг ўзига хавф солар эмиш.

Дўқ-пўписа снёсатининг таниқли маддоҳи Ж. Киркпатрик хатто БМТ Тель-Авивга қарши чоралар кўришга журъат этган тақдирда бу ташкилотга нисбатан молиявий «жазолар» билан ҳам таҳдид қилди.

Бугун «Нью-Йорк таймс» газетасида эълон қилинган душманлик руҳидаги мақоланинг автори У. Сэфайр БМТнинг қарорғоҳи умуман Қўшма Штатлар территориясидан йўқотилишини талаб қилиб, ундан ҳам ошиб тушди.

Ҳеч шубҳасиз, БМТ шаънига қилинаётган қўпол бақириқлар, ташкилотга нисбатан ўз ҳукмини ўтказиш йўлидаги ошкора уринишлар шу билан изоҳланадики, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, ядровий қуролланиш пойгасига қарши, халқаро хавфсизлик учун кураш да Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тутаётган конструктив позиция Вашингтонга ёқмаяпти.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Яккабоғ районидаги «Коммунист» боғдорчилик совхозининг боғбон ва соҳибкорлари бу йил давлатга 748 тонна мева, 1730 тонна узум топшириб, бу соҳадаги планларни ортиғи билан адо этдилар. Умумиттифоқ фонди учун Москва, Ленинград, Владивосток, Кемерово ва мамлакатимизнинг бошқа йирик шаҳарларига эса 500 тонна ширин-шакар узум, 400 тонна мева жўнатдилар.

Сабзавоткорлар юбилей йилида қарийб 1 минг тонна помидор, сабзи, пиёз, карам ва бошқа маҳсулотлар етиштирдилар. Давлатга 152 тонна полиз маҳсулотлари ҳам топширдилар.

Совхозда янги қурилган қуритиш цехида шафтоли, ўрик, олхўри, олча, олма, қовун қоқилари тайёрланмоқда.

Цехда қишгача 30 тонна мева қуритиб ғамланади. Шундан 15 тоннаси майиз бўлса, қолганларини қовун, олма, олхўри, шафтоли қоқилари ташкил этади. Қуритиш цехида бир вақтнинг ўзида қовун уруғлари ҳам ажратиб олинмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

PRESIDIUM TASHKENT — 1982 — XI AAPSO

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг Тошкентда ўтказилган XI мажлиси ўз ишини тамомлади. Унда ҳаёт илгари сурган даврнинг энг долзарб масалалари кўрилди. Мажлис Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг келгуси даврга мўлжалланган ҳаракат программасини ишлаб чиқди.

Анжуман қатнашчилари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар, республикамиз меҳнаткашлари ҳаёти билан танишдилар.

СЎЗ — АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ЁРҚИН САҲИФА

Сандра БЛЭК,
Африка жанубидаги ирқчилик ва апартеидга қарши Халқаро Комитет секретари.

— Асрлар бўйи мустамлакачилик сиёсати остида эзилган бир қанча Осиё ва Африка давлатларида мустақиллик кўлга киритилганидан сўнг мавжуд қийинчиликларга қарамай маънавий ҳаёт, халқ хўжалиги гуркираб ривожланмоқда. Уз эркини кўлга киритган халқлар орзу-умидларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш, дўстлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлаш борасида Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти эзгу ишларни қилмоқда. Тошкентда ўтган ташкилот президиумининг XI мажлисида ҳам ҳаёт илгари сурган энг муҳим халқаро масалалар кўриб чиқилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу мажлис СССР ташкил этилганлигининг қутлуғ 60 йиллик тўйига бағишланган. Шунингдек, у ташкилотнинг 25 йиллик юбилейига тўғри келди. Ташкилот ягона мақсад: тинчлик, озодлик, тенглик, бирдамлик, қардошлик байроғи остида кенг кўламда ҳаракат қилмоқда. Тараққийпарвар кучларнинг Тошкентда ўтган анжумани шуни яққол кўрсатдики, уларнинг эзгу мақсадлар йўлидаги интилишлари янада фаол тус олади. Ер юзида мустаҳкам тинчлик йўлида хизмат қилишдан ҳам олижаноб иш борми, ахир?! Шубҳа йўқки, Тошкент анжумани дунёда тинчликни сақлаш, халқлар бирдамлиги, дўстлиги, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишларнинг ёркин бир саҳифаси сифатида тарихдан муносиб ўрин олади.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Қайсин ҚУЛИЕВ,
Кабарда-Балқария АССР халқ шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг XI мажлиси, мажлисда кўрилган долзарб масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш туғдиргани шубҳасиздир. Дунёда тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун кураш — мажлисда асосий эътибор қаратилган масала бўлди. Анжуман тинчлик, дўстлик, тараққиёт йўлидаги янги прогрессив ҳаракатни бошлаб берди, дея оламиз.

Мен яқиндагина қуёшли Ўзбекистонда бўлган эдим. Кўпмиллатли Бутуниттифоқ совет адабиёти фестивалида иштирок этгандим, бу гал эзгулик тантанаси учун курашиб келаётган Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми мажлисида қатнашдим. Шарқнинг энг кўркам шаҳарларидан бўлган Тошкент йирик халқаро анжуманлар ўтказиладиган марказга айланганлиги бизни қувонтиради. Шаҳар бу йил ўзининг 2000 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бинобарин, Тошкент ҳамиша халқларнинг бирдамлиги, дўстлиги, адабиётлар алоқаси йўлида самарали хизмат қилиб келмоқда. Бу шаҳарни мен олижаноб, саховатли ва меҳмондўст ўзбек халқига қиёслагим келади.

Келажак бугундан бошланади. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми XI мажлиси эртанги кунимизнинг янада фарахбахш, осуда ва шодликларга бой бўлиши йўлида катта хизмат қилади.

ОБЛАСТЬ ТЕАТРЛАРИДА

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Республикамизда болаларни саҳна санъати воситалари билан тарбия қилиш тобора яхшиланиб бормоқда. Иккита ёш томошабинлар театри ва учта қўғирчоқ театри болажонларимиз хизматида. Яқинда Бухорода Давлат қўғирчоқ театри иш бошлади. Сўнгги йилларда катта ёшдаги томошабинларга хизмат қилувчи театрлар ҳам болаларга атаб махсус спектакллар яратмоқда.

Инрик илм-фан, маданият ва санъат маскани — Самарқанд шаҳрида Давлат қўғирчоқ театри иш олиб бормоқда. У яқинда ўзининг 5-мавсумини Е. Шварцнинг «Қизил қалпоқча» пьесаси асосида тайёрланган спектаклнинг премьераси билан бошлади. Биз мазкур премьерани, шунингдек, И. Супониннинг «Олабўжи», Е. Патрик ва И. Ивановнинг «Бўғирсоқ» спектаклларини томоша қилиб, коллективдаги ижодий муҳит билан яқиндан танишиб, маъмурий ва ижодий раҳбарлар, актёрлар билан суҳбатлашиб, театрда болаларни маънавий-эстетик тарбиялаш бўйича муайян фойдали иш олиб борилаётганига амин бўлдик.

Спектакллардан «Олабўжи» бизга кўпроқ манзур бўлди. Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган ушбу асар спектакль-ўйин сифатида саҳналаштирилган бўлиб, жаззки томошабинларни ҳам воқеалар иштироқчисига айлантиради. Еш режиссёр Бахтиёр Нормирзаев шу мақсада жонли планда кўринувчи Ўйнаббер бобо ва унинг шогирди ролларидан яхши фойдаланган, залдаги болаларни ўйин мутиҳига олиб кирувчи пантомималар, саҳначалар ўйлаб топган. Болалар шамол бўлиб чайқалишади, қўғироқ гул бўлиб жиринглашади, асалари бўлишади, Олмахон билан сўзлашади, Олабўжи номини олган Кўенчани Бўридан қутқазишади. Умуман, режиссёр ва актёрлар спектаклнинг охиригача томошабинларни лоқайд қолдирмай, воқеаларга иштирок эттириб боришга ҳаракат қиладилар. Албатта, бундан мақсад шунчаки ўйин, болалар кўнглини шунчаки очиш эмас, балки, уларнинг новик қалбига яхшилик, эзгулик уруғини сочиш, дўстлик, ҳамжиҳатлик туйғуларини тарбиялашдир.

Дўстлик ғоясини жаззки томошабинларга етказишда барча ижодкорлар бир ёқадан бош чиқариб ишлаганлар. Ўзбек тилида ўйнаган О. Абдуллаев (Ўйнаббер бобо), А. Муҳиддинов (шогирд), М. Муҳиддинова (Олабўжи, Олмахон), З. Сандмуродов (Аиқ), рус тилида ўйнаган С. Ризазадзе (бобо), Л. Безрукова (Олмахон, шогирд), Н. Волокитина (Олабўжи), С. Беликова (Аиқча) каби актёрларнинг хизмати катта.

«Қизил қалпоқча» ҳаммага маълум эртак. Шу сабабдан ҳам уни қизиқарли қилиб саҳналаштириш талаб этилади. Постановкачи, театрнинг бош режиссёри Оловиддин Муҳиддинов шуни назарда тутиб, эртак пьесани рус шарманкачисининг музика қутиси ичида рўй берган гаройиб воқеа сифатида талқин этган. Чиндан ҳам томошабин болалар Қизил қалпоқча кинган қизчанинг (Н. Волокитина) саргузаштини қизиқиб кузатади, Тулкининг (Л. Безрукова) разиллиги ва сотқинлигидан, Бўрининг (Ж. Злоянова) беҳаҳмлиги ва ёвузлигидан ғазабга келади, содда ва меҳрибон Аиқ (И. Григорьева), юввош ва самимий Қўён (С. Беликова)га ҳамжиҳатлик изҳор қилади. Аммо ҳозирча спектаклни бадиий жиҳатдан лозим савияда деб бўлмайди. Қарийб бутун саҳнанинг бўйини эгаллаган Шарманкачи ҳаракат қилмайди, бунинг устига ижрочи С. Ризазадзенинг майин овози гавдали Шарманкачи қиёфасига мос келмаган. Саҳнани қоплаган ўрмон тасвири ҳам жонсиз, воқеага алоқасиз чиқиб қолган. Натижада Шарманкачининг ҳиқояси чўзилиб кетгандан, эпизодлар бир-бирига яхши боғланмайдигандай кўринади. Афтидан, яхши ўйланган режа охиригача ва сифатли амалга ошмаган.

Бу йил театрга А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтининг қўғирчоқ театри бўлимини битирган бир режиссёр ва 6 актёр келиб қўшилди. Улар ўзлари билан институтда тайёрланган «Уч қувноқ чўчқача» ва «Менинг ёқимтой шарпагинам» спектакларини олиб келишган. Театр коллективи маҳаллий автор Ю. Муродовнинг «Самарқанд афсонаси», Р. Фарҳодийнинг «Ўткир шохли хўкизча» асарлари устида иш бошлади. Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул ва Баҳтиёр» асарини саҳналаштириш учун Тошкентдан режиссёр И. Ёқубов ва рассом В. Акудин таклиф қилинган.

Самарқанд театрининг режалари бир талай. Келаси йил ўзбек тилида Н. Гернетнинг «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи», Э. Давшаннинг Ш. Саъдулла қиссаси асосида ёзган «Качал полвон», рус тилида Вьетнам ёзувчиси Мгуэн Диитхи эртаги инсценировкаси — «Мов деган мушукча», Е. Чеповецкийнинг «Қойил-эй, Миттивой» асарларини саҳналаштирмоқда, «Дадавой дангаса» (Л. Маҳмудов), «Қизғанчиқ Ҳасан» (А. Қобулов) спектакларини тикламоқ ниятида. Энг яхши асарларини Тошкентга гастролга келиб, кўрсатмоқчи. Ният яхши. Аммо бунинг учун авваламбор тарқаб кетган ўзбек секторини тиклаш, мустаҳкамлаш ниҳоятда зарур. Катталарни ҳам ўзига хос мустақил санъат тури бўлган қўғирчоқ театрига ўргатиш учун махсус спектакллар тайёрлашни давом эттириш мақсадга мувофиқ. (Бир пайтлар катталарга атаб «Қўғирчоқлар ўйини» номли сатирик миниатюралар томошаси яратилган ва у яхши баҳо олган эди). Постановкачилар дадил изланиши, ўзбек томоша санъати воситаларини ишга солиш чораларини кўриши, саҳна ва қўғирчоқнинг тасвирий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиши лозим. Токи, ҳар янги спектакль фақат мазмуни билангина эмас, айни чоғда формаси билан ҳам томошабинларни лол қолдирсин. Актёрлар билан қўғирчоқларни бошқариш ва, айниқса, характер яратиш устида кўпроқ иш олиб бориш, бир типдаги ролларни ҳам ўйнашини яхши биламиз. Шу боис унга ҳар қанча эътибор берсак арзийди.

М. ХАЛИЛОВ.

Редактор М. КОРИЕВ.

ТВ ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

18—24 ОКТЯБРЬ

18 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Е. Сорокина ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Бахчиев чалади. 10.00 — Эртак ,ҳузурида меҳмонда. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник оркестри чалади. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 16.15 — Р. Шчедрин. 2-симфония. 17.00 — Буратино кўргазмаси. 17.30 — Ёшлар адреслари. 18.15 — Сиз яратган боғ. 18.45 — Мультфильм. 18.55 — Партия планлари — халқ планлари. 19.25 — Футбол шарҳи. 19,55 — Фильм-спектакль. 21,30 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 ва 10.35 — Физика. 10.05 — Рус тили. 11.05 — АБВГДейка. 11.35 ва 12.50 — Ботаника. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.20 — Фан оламида. 13,10 — Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси. 13.40 — Тарих. 14.10 — Алексей Кольцов. 15.00 — Саян шаршаралари. 15.25 — Драматургия ва театр. 16.15 — Ҳосилдорлик нурлари. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Пропагандист — пропагандистларга. 19.00 — Жаҳон халқларининг ижоди. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Оилавий альбом. 23.10 — Гандбол бўйича СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 10.30 — Табиатшунослик. 10.50 — Ўжар қиз. Бадиий фильм. 11.30 — Табиатшунослик. 11.50 — Еввойи асал. Бадиий фильм. 17.35 — Мультфильм. 17.40 — Бирга бўлсак ҳаммамиз. 18.15 — Волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида СССР кубоги. 18.45 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Самарқанд опера театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Самарқанд опера театри. (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.25 — Ишдаги ишқ. Бадиий фильм. 1-серия. 23.50 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Ўқитувчи экрани. 18.50 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эртага — премьера. 21.30 — Москва-II.

19 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 9.55 — В. Шекспир. «Ричард III». Фильм-спектакль. 12.15 — Концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — В. А. Жуковский. 17.10 — Концерт. 17.35 — Экономика тежамли бўлиши керак. 17.50 — Концерт. 18.30 — Мардлик қутби. Ҳужжатли фильм. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеаларн. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Ягона оилада. Латвия ССР. 21.30 — Время. 22.00 — Л. В. Бетховеннинг 6-симфонияси. 23.15 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 14.05 — Француз тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.10 — Тарих. 13.40 — Н. Г. Чернишевский. Нима қилмоқ керак? 14.35 — Рус ёғоч меъморчилиги. 15.05 — Сен қонунни биласанми? 15.35 — М. Горький. Тубанликда. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.55 — Эрта қайтган турналар. Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Фильм-концерт. 21.00 — Спорт ҳафталиги. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — Ижсталь.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Математика. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Адабиёт. 13.00 — Ишдаги ишқ. Бадиий фильм. 1-серия. 18.05 — Фильм-концерт. 18.20 — Биз ҳам кичик пахтакор. 19.00 — КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Санъат усталари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.15 — Ишдаги ишқ. Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.45 — Физика. 19.45 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шунчаки. Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

20 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Қувноқ стартлар. 10.25 — Оилавий альбом. Бадиий фильм. 11.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.30 — Фильм-концерт. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.30 — Концерт. 16.55 — Москва характери. Телекўрсатув. 17.25 — Горничилар, қаердасиз? 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. УЕФА кубоги. «Спартак» (Москва) — «Хаарлем» (Голландия). Танаффусда — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ихтисослаштириш ва концентрациялаш учун. 9.35 ва 10.35 — Музика. 10.05 — ва 13.40 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Н. В. Гоголь. Тарас Бульба. 12.05 — Оталар. Сизлар учун. 13.10 — География. 14.10 — В. Маяковский. Шеър қандай ёзилади? 14.50 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.20 — Ўқитувчига музика сабоғи. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Уренгой — Ужгород газ қувури. 21.00 — Ерда, осмонда ва денгизда. 21.30 — Время. 22.00 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Светофор. 12.30 — Рус адабиёти. 13,00 — Ишдаги ишқ. Бадиий фильм. 2-серия. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Инсон болаликдан бошланади. 19.00 — Полимерлар мактаби. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 — Санъат усталари.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.35 — Қонун қўриқчилари. 19.00 — Химия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Келажак билан учрашув. 20.50 — Эстетика. асослари. 21.30 — Москва-II.

21 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горничилар, қаердасиз? 10.25 — Ҳаммага раҳмат. Бадиий фильм. 11.25 — Концерт. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Рус тили. 16.20 — Белорус манзаралари. 16.50 — Шахмат мактаби. 17.20 — Ўқувчиларнинг Ленин мукофоти лауреати. СССР геология министрининг ўринбосари В. А. Ярмолюк билан учрашуви. 18.05 — Бутунроссия конкурсининг лауреати И. Акулинина чалади. 18.30 — Расмларда қўёш акси бор. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19,30 — Алкоголизм ҳақида суҳбат. 20.00 — Саҳна пиллапояларида. Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Ватаним қушиқлари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Умумий биология. 10.05 ва 13.40 — Испан тили. 11.05 — Ж. Г. Байрон. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 11.35 ва 12.45 — Зоология. 12.00 — Оналар мактаби. 12.30 — Илмий-оммабоп фильм. 13.10 — Тарих. 14.10 — Актёр санъати. 15.10 — Стажёр. Бадиий фильм. 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18,45 — Чўпон бўлиш қийинми? Очерк. 19.05 — Салют, пионерия. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Уренгой — Ужгород газ қувури. 21.05 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаммага раҳмат. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Мен, сен ва мультик. 18.45 — Ҳамкорлик шартномаси амалда. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.25 — Спектакль. 00.05 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Адабиёт. 18.40 — Назарий механика. 19.40 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Пахтакорлар хизматида. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

22 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — «Звоночек» нуйлайди. 10.05 — Саҳна пиллапояларида. Бадиий фильм. 11.35 — Духовой оркестр чалади. 11.55 — Поэзия. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Замбия миллий ансамблининг концерти. 16.25 — Уфқ. 17,25 — Москва ва москвликлар. 17.55 — Олтин боғичли туфли. Бадиий фильм. 2-серия. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Рус музейи. 20.10 — Оперетта байрами. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — Динамо.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9,20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 10.45 — Инглиз тили. 11.05 — Умумий биология. 11.35 ва 12,40 — Пушкин ижоди. 12.05 — Ўн биринчи беш йиллиқда СССРда электрлаштириш. 13.10 — М. Ю. Лермонтов. Мцири. 14.15 — Ўрта аср санъати. 14.45 — Ҳеч тугамайдиган Лицей. 15.55 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 5-фильм. 16.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Концерт. 19.30 — Бизнинг биография. 1972 йил. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳамдўстлик. 21.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Кавказ қиссаси. Бадиий фильм. 1—2-серия-лар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Санъат ғунчалари. 12.30 — Спорт, спорт, спорт. 13.30 — Заминдас. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Шеърият дафтаридан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Санъат усталари. 20.05 — Дунё воқеалари. 20,30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Нез-неъмат бунёдкори. 22.15 — Театр ва замон. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.50 — Чизма геометрия. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Яхши кайфият хизмати. 20.50 — Ёшлар оламида. 21.30 — Москва-II.

23 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Усмирлар ижоди. 10.15 — Ота-оналар, сизлар учун. 10.45 — Концерт. 11.15 — Советлар ва ҳаёт. 12.35 — Спорт-лото. 12.45 — Усмликлар дунёси. 13.30 — Совет композиторларининг лирик қўшиқлари. 14.15 — Сиз бунга қодирсиз. 15.00 — Рус музейи. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 16.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.45 — Музикали программа. 18.30 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.00 — Қўрқма, мен сен билан. Бадиий фильм. 1—2 серийлар. 21.30 — Время. 22.00 — Спорт программаси. 22.45 — Хоккей. СССР чемпионати. Спартак — Динамо. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Соғлом бўлай десанг. 9.25 — Ҳужжатли фильм. 9.40 — Тонгги почта. 10.10 — Ҳаётга йўлланма. 10.55 — Дзюдо кураши бўйича СССР чемпионати. 11.40 — Кавказ қиссаси. Бадиий фильм. 1—2-серийлар. 13.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 14.50 — Латвия телевидениеси студиясининг программаси. 16.15 — Бизнинг биография. 1973 йил. 17.15 — Здоровье. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Халқаро обзор. 18.30 — Музикали киоск. 19.00 — Футбол. СССР чемпионати. Нефтчи — Динамо. 20.45 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.00 — Днестр тароналари. 21.30 — Время. 22.00 — Келаси кун жадвали. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Орол оҳанглари. 11.05 — Шахмат мактаби. 11.35 — Шимол ёғдусини ёқинг. Бадиий фильм. 12.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 14.50 — Латвия телевидениеси студиясининг программаси. 16.15 — Бизнинг биография. 1973 йил. 17.15 — Здоровье. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Халқаро обзор. 18.30 — Музикали киоск. 19.00 — Футбол. СССР чемпионати. Пахтакор — Динамо. 18.45 — Оламга саёҳат. 19.25 — Ахборот. 19.45 — Санъат усталари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Тиниб-тинчимаган қариялар. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

24 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.55 — Здоровье. 12.40 — Тонгги почта. 13.10 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.25 — Қишлоқ янгиликлари. 14.25 — Музикали киоск. 14.55 — Турналар учмоқда. Бадиий фильм. 16.30 — Чашмалар. 17.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.00 — Концерт. 18.25 — Халқаро панорама. 19.10 — Мультфильмлар. 20.00 — Останкино концерт студиясида учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. СССР чемпионати. Спартак — Динамо. 23.35 — Янгиликлар.

МОСКВА-II 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Келаси кун жадвали. Бадиий фильм. 10.45 — Ҳайвонот оламида. 11.45 — Концерт. 12.05 — Голиблар. 13.35 — Олтин боғичли туфли. Бадиий фильм. 2-серия. 15.00 — Ёш келин-куёвлар телевизион клуби. 16.15 — Халқ оҳанглари. 16.30 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — Қалбим маликаси. 17.55 — Юракнинг тонгларн. Бадиий фильм. 3-серия. 19.00 — Бизнинг биография. 1974 йил. 20.00 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Регби бўйича Европа чемпионати. СССР — ГФР терма командалари. 21.30 — Время. 22.05 — Гўзал Драгун саргузаштлари. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10,10 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Даврамизга марҳабо. Экранда — Бухоро области. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Телевизион театр. 14.40 — Ўзбекистон спорти. 15.10 — Реклама. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ўйлаб топ. 18.45 — Цирк, цирк, цирк. 19.30 — Ахборот. 19.45 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова концертининг давоми.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.20 — АБВГДейка. 10,50 — Спортлото. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Жаҳон халқларининг ижоди. 12.00 — Советлар ва ҳаёт. 12.30 — Псков тупроғида музикали учрашувлар. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 14.30 — Духовой оркестр чалади. 14.50 — Рус музейи. 2-фильм. 15.25 — Дунё воқеалари. 15.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.00 — Мен улкан одам бўлганимда. Бадиий фильм. 17.25 — Фильм-концерт. 18.30 — Ҳайвонот оламида. 19.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 20.00 — Экранда — кинокомедия. Эгизаклар. 21.30 — Время. 22.05 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 22.45 — Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — Спартак. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Дублёр. Бадиий фильм. 10.45 — Тонгги почта. 11.15 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — От спорти бўйича халқаро мусобақалар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 14.30 — Биз билан бирга, худди биздек, бизсан ҳам яхшироқ бажар! 15,30 — Фильм-концерт. 16.20 — Музикали киоск. 16.50 — Бизнинг биография. 1970 йил. 17.50 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Халқаро обзор. 18.30 — Концерт. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Бугдойзорлар орасида. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.35 — Шахмат мактаби. 11.05 — Ўзбектелефильм: муаммолар ва изланишлар. 11.50 — Эртаклар тарк этган дара. Бадиий фильм. 13.10 — Инсон ва табиат. 13.40 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.15 — Мультипанорама. 19.00 — Қувноқлар даврасида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Нез-неъмат бунёдкори. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Даврамизга марҳабо! Экранда — Бухоро области. 21.30 — Время. 22.05 — Даврамизга марҳабо. Экранда — Бухоро.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва комедия цирки артистларининг гастроллари (19.30).

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ОМОНАТ КАССАЛАРИГА

1982 йил 8 октябрда Урганч шаҳрида ўтказилган 80-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Узбекистон ССРнинг барча омонат кассаларида ютуқли омонат счетларининг қуйидаги номерларига ютуқ чиқди

Счет номери	ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача миқдорига нисбатан процент ҳисобида)	
А-012	50%	аллик
А-046	25%	йигирма беш
А-110	25%	йигирма беш
А-134	100%	юз
А-173	25%	йигирма беш
А-218	25%	йигирма беш
А-253	25%	йигирма беш
А-317	25%	йигирма беш
А-353	25%	йигирма беш
А-390	25%	йигирма беш
А-425	25%	йигирма беш
А-467	25%	йигирма беш
А-505	25%	йигирма беш
А-521	25%	йигирма беш
А-587	25%	йигирма беш
А-617	50%	эллик
А-657	25%	йигирма беш
А-686	25%	йигирма беш
А-758	25%	йигирма беш
А-780	200%	икки юз
А-815	25%	йигирма беш
А-878	25%	йигирма беш
А-912	100%	юз
А-936	25%	йигирма беш
А-960	25%	йигирма беш

Счетлар сони 1000 дан ортиқ бўлган омонат кассаларида аввалги мингда қайси счет номерига ютуқ чиққан бўлса, кейинги мингларда ҳам худди шу счет номерларига ютуқ чиққан, яъни счет номерлари А-1012, А-2012, А-3012, А-1046, А-2046, А-3046 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — М. Ф. ИСЕЕВА.

Тираж комиссияси раисининг ўринбосари — Б. К. БАДИГИН.

Комиссиянинг масъул секретари — Г. А. ХАРРАСОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43